



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 14 февраль, шанба, №17 (3663).



»» 15 март – Умумхалқ референдуми



ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ БЎЙИЧА РЕФЕРЕНДУМ КУНИ БЕЛГИЛАНДИ

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев 2026 йил 15 март куни мамлакатда умумхалқ референдуми ўтказиш тўғрисидаги Фармонни имзолади.

Тақлиф этилаётган конституциявий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари парламент ролини кучайтирган ҳолда ҳокимият тармоқлари ўртасида ваколатларни қайта тақсимлаш, Ҳукумат устидан парламент назорати дастакларини кенгайтириш, суд тизимининг мустақиллигини ошириш ва конституциявий назорат институтини ривожлантиришдан иборат. Фармонга мувофиқ, референдумга Қозоғистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳаси чиқарилади. Овоз беришда фуқароларга қуйидаги савол тақдим

этилади: «Оммавий ахборот воситаларида 2026 йил 12 февралда эълон қилинган Қозоғистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳасини қабул қиласизми?». Президент Фармони ҳамда Конституция лойиҳаси 12 февраль куни оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилинди. Қ. Тўқаев янги Конституция қондалари давлатнинг институционал асосини ўзгартириш жараёни аяқланганини ва мутлақо янги конституциявий шаклга ўтилганини аниқлаштириш таъкидлаб, янги Асосий қонун лойиҳаси долзарб

ижтимоий қадриятлар ва давлат сиёсати тамойилларини акс эттиришини, Қозоғистонни янада тинчликпарварлик руҳида ривожлантиришнинг узоқ муддатли асосларини ҳам белгилаб беришини таъкидлади.

Референдумни ўтказиш тadbirlari Марказий сайлов комиссияси ҳамда ҳудудий ва участка сайлов комиссиялари зиммасига юклатилди.

Ҳукумат эса тегишли давлат ва маҳаллий ижроия органлари билан ҳамкорликда барча ташкилий чора-тадбирларни амалга оширади.

Фармон эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Аkorda.kz маълумотлари асосида.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING 2026 ЙИЛ 12 ФЕВРАЛДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЛОЙИХАСИ, ФАҚАТ АХБОРОТ МАҚСАДИДА ЎЗБЕК ТИЛИДА ТАҚДИМ ЭТИЛМОҚДА. РАСМИЙ ВА ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА МАТН GOV.KZ САЙТИДА ЧОП ЭТИЛГАН ДАВЛАТ ТИЛИДАГИ НУСХА ҲИСОБЛАНДИ.

Биз, Қозоғистоннинг ягона халқи, азалий қозоқ заминида давлатчиликни мустаҳкамлаб, Буюк Даштнинг минг йиллик тарихи ворислигини сақлаган ҳолда, давлатнинг бир бутунлигини, унинг чегаралари дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини тасдиқлаб, Адоллатли Қозоғистон гоёси ҳамда Қонун ва Тартиб тамойилига амал қилган ҳолда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя этилишини эълон қилиб, бирлик ва ҳамжиҳатлик, миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик тамойилларига таяниб, маданият ва таълим, фан ва инновациялар қадриятларини қарор топтириш, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга астойдил аҳд қилиб, барча мамлакатлар билан тинчлик ва дўстликка интилиб, келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятимизни англаган ҳолда, Қозоғистон Республикасининг Асосий Қонунини – ушбу Конституцияни қабул қиламиз.

1 бўлим КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМ АСОСЛАРИ

1-модда

Қозоғистон Республикаси – демократик, дунёвий, ҳуқуқий ва ижтимоий давлатдир. Давлатнинг энг олий қадриятлари – инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларидир.

2-модда

1. Қозоғистон Республикаси – ахлит давлатдир. Бошқарув шакли – президентлик республикаси.

2. Қозоғистон Республикасининг эгаменлиги унинг бутун ҳудудига татбиқ этилади. Давлат ўз ҳудудининг яхлитлиги, дахлсизлиги ва ажралмаслигини таъминлайди.

3. Қозоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши конституциявий қонун билан белгиланади.

4. Қозоғистон Республикасининг пойтахти – Астана шаҳри. Пойтахтнинг мақоми қонун билан белгиланади.

5. Давлатнинг «Қозоғистон Республикаси» ва «Қозоғистон» деган номлари бир маънони англатади.

6. Қозоғистон Республикасининг миллий валютаси (пул бирлиги) – теңге. Уни чиқариш Қозоғистон Республикаси Марказий банкининг мутлақ ҳуқуқидир.

7. Қозоғистон Республикасининг эгаменлиги, мустақиллиги, бир бутунлиги, ҳудудий яхлитлиги ҳамда бошқарув шакли ўзгармасдир.

3-модда

1. Қозоғистон Республикаси фаолиятининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат: эгаменлик ва мустақиллиги ҳимоя қилиш; инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш; қонун ва тартиб устуворлигини таъминлаш; умуммиллий бирлиكنи мустаҳкамлаш; халқ фаровонлигини ошириш; масъулиятли, бунёдкор ватанпарварлик

ЛОЙИХА

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

гоёсини илгари суриш; жамиятда мулоқотни ривожлантириш; меҳнатсеварлик, тараққиёт, билим қадриятларини қарор топтириш; юксак экологик маданиятни шакллантириш; тарихий-маданий меросни сақлаш; миллий маданиятни қўллаб-қувватлаш.

2. Қозоғистон Республикаси инсон капитали, таълим, фан ва инновацияларни ривожлантиришни давлат фаолиятининг стратегик йўналиши сифатида эътироф этади.

4-модда

1. Давлат ҳокимиятининг ягона манбаи ва Эгаменлигининг эгаси Қозоғистон халқидир.

2. Халқ ҳокимиятини умумхалқ референдуми ва эркин сайловлар орқали бевосита амалга оширади, шунингдек, ўз ҳокимиятини амалга оширишни давлат органларига ваколат сифатида топширади.

3. Қозоғистон Республикасида ҳокимиятни ҳеч ким ўзлаштириб олиши мумкин эмас. Ҳокимиятни ўзлаштириш қонун билан таъкиб этилади. Халқ ва давлат номидан иш юритиш ҳуқуқи Қозоғистон Республикаси Президентига, шунингдек, Қозоғистон Республикаси Қурултойига унинг конституциявий ваколатлари доирасида тегишлидир. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва бошқа давлат тузилмалари уларга берилган ваколатлар доирасида давлат номидан иш юритади.

4. Қозоғистон Республикасида давлат ҳокимияти ягона бўлиб, Конституция ва қонунлар асосида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари орқали ҳамкорликда амалга оширилади.

5-модда

1. Қозоғистон Республикасининг амалдаги ҳуқуқи – Конституция меъёрлари, унга мувофиқ қонунлар, Қозоғистон Республикаси Конституциявий Суди ва Олий Суди қабул қилган меъёрий қарорлар, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Қозоғистон Республикасининг халқаро шартномавий мажбуриятларидан иборат.

2. Конституция энг олий ҳуқуқий кучга эга бўлиб, Қозоғистон Республикасининг бутун ҳудудида бевосита амал қилади.

3. Қозоғистон Республикаси ҳудудида халқаро шартномаларнинг амал қилиш тартиби қонунлар билан белгиланади.

4. Барча қонунлар ва Қозоғистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар оммавий ахборот воситаларида чоп этилади. Фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларига дахлдор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни расман эълон қилиш уларни қўллашнинг мажбурий шarti ҳисобланади.

5. Фуқароларга янги мажбуриятлар юклайдиган ёки уларнинг аҳволини оғирлаштирадиган (қилмиши жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахнинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган) қонунлар орқага қайтиш кучига эга эмас. Агар янги қонун меъёрлари аввал содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни бекор қилса ёки енгилатса, қўлланилади.

6. Қозоғистон Республикасининг айрим ҳудудларини жадал иқтисодий ривожлантириш мақсадида конституциявий қонунларга мувофиқ молия кўзда тутилмаган ҳарбийлаштирилган бошқача тарзда ёмонлаштирадиган) қонунлар орқага қайтиш кучига эга эмас. Агар янги қонун меъёрлари аввал содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни бекор қилса ёки енгилатса, қўлланилади.

6-модда

1. Қозоғистон Республикасида мафкуравий ва сиёсий хилма-хиллик эътироф этилади.

2. Жамоат бирлашмалари қонун олдида тенг ҳисобланади. Давлатнинг жамоат бирлашмалари ишларига ноқонуний аралашшига ва жамоат бирлашмалари давлат ишларига аралашшига, шунингдек, жамоат бирлашмаларига давлат тузилмалари вазифаларини юклаганга йўл қўйилмайди. Давлат тузилмаларида сиёсий партияларнинг ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

3. Мақсади ёки ҳаракатлари Конституциявий тузумни ўзривонлик билан ўзгартиришга, давлат яхлитлигини бузишга, миллий хавфсизликка таҳдид қилишга, жамоат тартибини издан чиқаришга, уруш ва адоват кўзга ташлашга, шунингдек, қонун билан кўзда тутилмаган ҳарбийлаштирилган тузилмаларни тузишга қаратилган жамоат бирлашмаларини ташкил этиш тақиқланади.

4. Чет давлатлар сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари, диний асосдаги сиёсий партиялар, шунингдек, хорижий ҳуқуқий шахслар, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахслар, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларига молиявий ёрдам беришга йўл қўйилмайди.

5. Жамиятнинг нотижорат ташкилотлари томонидан хорижий давлатлар, халқаро ва хорижий ҳуқуқий шахслар, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахслардан олинган молиявий харажат ва активлар ҳақидаги маълумот қонунларга мувофиқ очик ва шаффоф бўлиши керак.

7-модда

1. Дин давлатдан ажратилган.

2. Қозоғистон ҳудудида диний ташкилотларнинг фаолияти қонунга му-

вофиқ амалга оширилади, Конституциявий тузумнинг асосларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллий хавфсизлиكنи, жамоат тартибини, фуқаролар соғлигини ва жамият ахлоқини ҳимоя қилиш мақсадида чекланиши мумкин.

8-модда

1. Қозоғистонда давлат ва хусусий мулк эътироф этилади ва бир хил ҳимояланади.

2. Мулкдан фойдаланиш жамият ва давлат манфаатларига мувофиқ бўлиши, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқалар ҳуқуқларини ва қонун билан ҳимояланган манфаатларни бузмаслиги керак. Мулк субъектлари ва объектлари, мулк эгаси ҳуқуқларини амалга ошириш ҳажми ва чекловлари, уларнинг ҳимоя кафолатлари қонун билан белгиланади.

3. Ер ва унинг бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий захиралар халққа тегишли. Халқ номидан мулк ҳуқуқи давлат томонидан амалга оширилади. Ер қонун билан белгиланган асос, шарт ва чегараларда хусусий мулкка ҳам кириши мумкин.

9-модда

1. Қозоғистон Республикаси давлат тили – қозоқ тили.

2. Давлат ташкилотлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тузилмаларида қозоқ тили билан бир қаторда рус тили ҳам расман қўлланилади.

3. Давлат Қозоғистон ягона халқ тилларини ўрганиш ва ривожлантириш учун шароит яратади.

10-модда

Қозоғистон Республикаси халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларини ҳурмат қилади, ташки сиёсатини тинчлик ва ҳамкорлик асосида олиб боради, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмайди, халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этади.

11-модда

Қозоғистон Республикасининг давлат рамзлари: Давлат Байроғи, Давлат Герби, Давлат Мадҳияси. Уларнинг тасвирлари ва қўлланиш тартиби конституциявий қонун билан белгиланади.

II бўлим АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАР, ЭРКИНЛИКЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАР 12-модда

1. Ҳар бир инсоннинг ҳуқуқий шахс сифатида тан олинши ҳуқуқи бор.

Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунга зид бўлмаган барча воситалар билан, шу жумладан зарурий мудофаа ҳуқуқидан фойдаланиб ҳимоя қилишга ҳақлидир.

2. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир.

СУВ ТОШҚИНИНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ

Вилоят ҳоқими Нуралхан Кўшерев Саврон тумани Бобойқўрғон қишлоқ округидаги Абай қишлоқнинг аҳолиси билан учрашди ва сув тошқинининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Сўнги пайтларда ёғингарчилик кўп бўлиб, Янгиқўрғон дарёсидаги кичик кўприкка зарар етказилган эди. Ҳокимлик ва фавқулодда вазиятлар департаменти мутахассисларининг тезкор ҳаракати натижасида дарёнинг икки томони қазилди, вақтинча ўтиш жойи уюштирилиб, сув тошқинининг олди олинди. Аҳоли билан учрашувда минтақа раҳбари вилоятда сув тошқинининг олдини олиш тадбирлари йўлга қўйилиб, шаҳар ва туманларга янги махсус техникалар берилганини таъкидлади.

– Вилоятда сув иншоотлари ва дарё-кўллар доимий назоратда. Мутасаддилар навбатчилик уюштиришган. Биз сизлар билан юзма-юз учрашиб, фикрларингизни тинглаш учун келдик. Дарёга тушаётган қор ва ёмғир сувини тўплаб, сув омбори барпо этган ҳолда ундан қишлоқ хўжалигида унумли фойдаланиш йўларини кўриб чиқиш керак. Кўприк жорий йилда таъмирланади, келгуси йилда эса янгилаймиз. Вазият тўлиқ назорат остида, – деди Нуралхан Кўшерев.

Абай қишлоғи аҳолиси сув тошқинига қарши ишни тезкорлик билан уюштирган раҳбарлар, эл оғаларига миннатдорчилик билдирди. Улар аҳоли манзилида янги мактаб барпо этилаётганидан ҳам мамнуликларини яширмади.



Шунингдек, сайёҳликни ривожлантириш, кўприкни тартибга келтириш юзасидан фикрларини билдирди.

Саврон туманида ноқулай об-ҳаво шароити туфайли юзага келган фавқулодда вазиятнинг олдини олиш ва эҳтимолий хавф-хатарни бартафари этиш юзасидан ишлар кучайтирилди. Туманда вазият барқарор бўлгани билан хавфсизликни таъминлаш мақсадида барча мутасадди соҳалар кучайтирилган тартибда иш-ламоқда. Ҳозир туман мар-

кази ва аҳоли манзилларида махсус техникалар сафарбар этилган. Чунончи, туман марказида 2та юк автомашинаси, 3та трактор, сув сўрадиган ускуна, УАЗ автомашинаси ва кичик автобус навбатчиликка қўйилиб, фавқулодда вазият юз берган ҳолатда тезкор ҳаракат қилишга шай. Бундан ташқари, туман тасарруфидаги 12та қишлоқ округининг ҳар бирига 12тадан трактор ва юк машинаси ажратилган.

Така қишлоғига қўшимча куч сафарбар этилди. Бу ерда

3та юк машинаси, 2та сув ташийдиган техника, экскаватор, трактор, тиббий машина, “Нива” автомашинаси, полиция ва автобус – барчаси шай ҳолатда.

Умуман олганда, учта қишлоқни қамраган тезкор гуруҳ тузилиб, кечаю-кундуз навбатчилик қилмоқда. Ҳозир Саврон туманида вазият барқарор ва хавфсиз.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Референдумни қўллаймиз

КЕНГАШГАНГА – КЕНГ ДУНЁ

Қозоғистон Давлати раҳбари Қасим-Жумарт Кемелули Тўқаев ташаббуси билан мамлакатимиз Бош Қомусига аҳоли билан бамаслаҳат ҳолда тараққиёт, замонавий жараёнларга мувофиқ келаётган янги қонун лойиҳаси эълон қилинди.

Марказий комиссия фуқаролар, жамоат ташкилотларидан қарийб олти мингга яқин таклифлар қабул қилди. Жорий йил 15 март яшанба кунига белгиланган умумхалқ референдумида биз янги Қозоғистон учун овоз берамиз. Келажакимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу сиёсий жараёнга барчамиз бир кишидек аҳил-ҳамжиҳатлик ила қатнашайлик, биродарлар!



Баҳодир ИРИСМЕТОВ,
вилоят УЭМБ раиси,
ҚР халқи Ассамблеяси
аъзоси, Туркистон
шаҳрининг фахрий
фуқароси.

»» Вилоят маслаҳатида

ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛАРИ ВА ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

2026 йил 18 февраль куни ўтиш режаланган саккизинчи қақирқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдаги йигирма биринчи сессияси жорий йилнинг 19 февраль куни соат 17.00га кўчирилгани маълум қиламан.

Н. АБИШОВ,
вилоят маслаҳати раиси.

150 МИНГГА ЯҚИН ОДАМ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

2025 йилда вилоят аҳолисининг бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтириш мақсадида “Минтақавий бандлик харитаси” тасдиқланган эди. Натижада ўтган йили 147 719 фуқаро иш билан таъминланди. Жумладан, 100 046 нафари доимий ишга жойлаштирилса, 47 673 нафари вақтинча ишлади.

Бу ҳақда вилоят бандлик ва ижтимоий дастурларни мувофиқлаштириш бошқармаси раҳбари Мекенхан Қўзиханули маълум қилди.

– Айни дамда вилоятда 822 014 нафар фуқаро иш билан таъминланган. Улардан 442 211 нафари ёлланма ходимлар, 379803 нафари ўз-ўзини иш билан банд этган. 40 мингга яқин аҳоли ишсизлар рўйхатидан жой олган. Минтақада ишсизлик даражаси – 4,6 фоиз, ёшлар орасида ишсизлик – 1,8 фоиз ва хотин-қизлар ўртасида эса 5,4 фоиз. Шунингдек, 31 мингдан зиёд фуқаро давлат томонидан субсидияланган ишларга йўлланган. Миллий лойиҳалар доирасида 357та лойиҳа амалга оширилиб, 4333та иш ўрни очилди. Давлат раҳбарининг “10 000 аҳолига 100 янги иш ўрни яратиш” топшириғига мувофиқ, вилоятда 35 917та иш ўрни яратилди. Янги бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун 400 ОХК миқдоридан 1792 одамга 2,8 миллиард тенгелик грант берилди. Бу йил “Минтақавий бандлик харитаси” доирасида 74 516 кишини иш билан таъминлаш режаланмоқда. 2026 йилда вилоятда 77та сармовий лойиҳа амалга оширилиб, 1136та иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, синов хизматида (пробация) рўйхатдан ўтган шахслар учун ўтган йили тасдиқланган 177 квота ўрни тўлиқ бажарилиб, 2026 йилга 119та муассасага 180та квота ўрни тасдиқланди. Ўтган йили вилоятда 62 244 нафар фуқарога 6,1 миллиард тенге миқдоридан манзилли ижтимоий ёрдам пули тўланди. 2026 йилда эса қашшоқликни камайтириш мақсадида 59,1 минг фуқарога манзилли ижтимоий ёрдам бериш режалаштирилган, бунга 6,5 миллиард тенге ажратилган, – деди нотик.

Давлат раҳбари топшириғига мувофиқ, шаҳар-туманларда 17та “Оилани қўллаб-қувватлаш маркази” очилди ва 6667 фуқарога хизмат кўрсатди. Минтақада ноғиронлик бўйича 102 401 одам рўйхатга олинган. 2025 йилда уларнинг ҳуқуқлари муҳофазаси учун 19,6 миллиард тенге ажратилган. Шунингдек, жорий йилда 65994 ноғиронни ижтимоий тиклаш чора-тадбирлари билан таъминлаш учун республика ва вилоят бюджетларидан 13,5 миллиард тенге ажратилди.

2025 йилда вилоятга 990 этник қозоқ кўчирилди ва уларга “Қандас” мақоми берилди. ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазири буйруғи билан 2025 йилда чет эллик ишчиларни жалб этишга 1107 квота тасдиқланиб, 1137 нафарига рухсат берилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

АРИСДА ЯХВОНЛИККА ҚАРШИ ЧОРАЛАР КУЧАЙТИРИЛДИ



Ҳафта бошидан минтақада қор ва ёмғир бир вақтда ёғиб, об-ҳаво ўзгарувчан тус олмақда. Шу муносабат билан Арис шаҳри ҳудудида йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва яхвонликнинг олдини олиш мақсадида коммунал хизматлар кучайтирилган тартибда фаолият олиб бормоқда.

Йўл қопламасига зарар етказмасдан, нам қорни самарали тозалашга мўлжалланган резина қопламали бульдозерлар йўлга чиқди. Махсус техникалар асосий кўчалар ва ички йўлларини босқичма-босқич тозаламоқда.

Шунингдек, ёғингарчилик натижасида сув тўпланиши мумкин бўлган ҳудудлар ҳам махсус назоратга олинди.

Арис шаҳрида санитария-тозалик ва хавфсизлик чоралари кечаю-кундуз давомида назоратда, ишлар узлуксиз давом эттирилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ЯНГИ ЗАВОДЛАР МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



туманида гишт цехи, Жетисай туманида пластик қутилар ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳамда иссиқхона мажмуаси қурилишлари давом этмоқда. Ушбу лойиҳалар агро-саноат соҳасини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.

Вилоятда амалга оширилаётган ушбу лойиҳалар – иқтисодиётни ранг-баранг-лаштириш, теран қайта ишлашни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш

ҳамда минтақанинг сармовий жозибадорлигини ошириш йўналишидаги муҳим қадамдир. Саноат, қурилиш материаллари, металлни қайта ишлаш, агро-саноат ҳамда озиқ-овқат саноатидаги янги лойиҳалар вилоятни мамлакатимизнинг етакчи саноат марказларидан бирига айлантириш кутилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Вилоятимизда индустриявий-инновацион тараққиёт йўналишига устувор аҳамият қаратилмоқда. Минтақада янги корхоналарни барпо этиш, ҳомашёни чуқур қайта ишлаш ҳамда янги иш ўринларини яратишга қаратилган лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшерев раислигида ўтган навбатдаги Сармовий штаб мажлисида янги заводлар қурилиши ва салоҳиятли лойиҳалар кенг муҳокама қилинди.

Йиғилишда вилоят ҳокими ўринбосарлари, бошқарма раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, шунингдек, маҳаллий ва хорижий сармоядорлар ҳамда тадбиркорлар иштирок этди. Кун тартибидан сармоя жалб қилиш, сармовий муҳитни яхшилаш ҳамда лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш масалалари кўрилди.

Вилоят ҳокими ҳар бир сармоядорлар билан шахсан суҳбатлашиб, сармоя жалб қилиш, махсус иқтисодий минтақаларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш юзасидан аниқ топшириқлар берди. Сармовий штаб мажлисида жорий йил амалга оширилаётган муҳим лойиҳалар кўриб чиқилди. Жумладан, Саврон туманида арматура ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Сўзоқ туманида янги саноат майдони ҳамда «Инкай» қонида янги заводнинг қурилиши амалга оширилмоқда. Корхона мутахассислари лойиҳаларнинг хусусиятлари ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳақида маълумот беришди. Арис шаҳрида Усимлик мойи заводи, Мақтаарал туманида профлистлар, қувурлар ва бошқа ускуналар заводи, Сариегоч

Сўзоқ туманидаги «Мыңжылқы» маданият саройида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, мактаб ўқувчилари хавфсизлигини таъминлаш ва зўравонликнинг олдини олишга қаратилган «Таъқибни тўхтат!» мавзуда учрашув ўтди.

ТАЪҚИБ ҲАМ ЖИНОЯТДИР

Анжуманда таъқибнинг жамиятга хавфи, унинг турлари ва оқибатлари атрофида муҳокама қилинди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, таъқиб одатда безовта қилувчи хабарлар ва қўнғироқлардан бошланиб, руҳий босим ҳамда аниқ хавфга етиб бориши мумкин. Инсоннинг шахсий ҳаётига аралашиб, мунтазам таъқиб қилиш – зўравонликнинг бир тури эканлиги тушунтирилди.

Йиғилишда туман ҳокимининг ўринбосари Алтин Қунтуқизи хавфсизлик – ҳар бир фуқаронинг ажралмас ҳуқуқи эканлигини таъкидлади. Шунингдек, у жамият бўлиб ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳисса қўшишга қақирди. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофазаси қилиш идоралари вакиллари амалдаги қонунчиликка киритилган ўзгаришлар ҳақида маълумот бериб, 2025 йил 16 сентябрдан эътиборан, Қозоғистон Республикасида таъқиб учун жиноий жавобгарлик жорий этилганини маълум қилди.

Анжуман доирасида таъқиб мавзусида махсус видеолаваҳа намойиш этилди ва иштирокчиларга маърифий брошюралар тарқатилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ЭКИН МАЙДОНЛАРИДА СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Вилоят экин майдонларида сувни тежовчи технологияларни жорий этиш ишлари режа асосида олиб борилмоқда. Вилоят раҳбарининг ўринбосари Нурбўл Турашбеков раислигида ўтган йиғилишда сувни тежайдиган технологияларни амалда қўллаш масалалари муҳокама қилинди. Унда Жетисай, Мақтаарал ва Чордара туманлари ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этишди.

2026 йилги режага кўра, ушбу туманлардаги 77та деҳқон хўжалиги янги технологияларни жорий этиб, 7228 гектар майдонни ўзлаштиришни кўзламоқда. Шудорлаш режаси Мақтааралда 90 фоиз, Чордарада 81, Жетисайда эса 80 фоиз амалга оширилган. Шу кунга қадар 22,6 минг гектар майдонда шўрни ювиш ишлари олиб борилган ва давом этмоқда.

Вилоят ҳокимининг муовини буюмларни сугориш даври бошланишидан олдин яқунлаш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, у пахта майдонларини кенгайтиришда сувни тежаш усулларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини эслатди.

– Сувни исроф қилмасдан, имкон қадар, тежаб ишлатиш керак. Ўтган йили 114 минг гектар майдонда сувни тежовчи технологияларни жорий этиш натижасида 195 миллион куб метр

сув иқтисод қилинди. Илғор хўжаликлар тажрибасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш доирасида тўлиқ ахборот тарқатилишини таъминланг, – деди Нурбўл Турашбеков.

Вилоятда умумий қуввати 163 минг гектар майдонни қоплашга етadиган сув тежовчи ускуналарни ишлаб чиқарадиган 4та корхона мавжуд. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш доирасида 5та корхона хўжаликларга ўз хизматларини тақдим қилмоқда. Мутасаддиларнинг фикрича, бугунги кунда ушбу корхоналар билан 4000 гектардан зиёд ерни қамраб олиш юзасидан шартнома имзоланган. Шунингдек, 1842 гектар майдонга оид хужжатлар ҳам субсидия учун тақдим этилиб, улар янги сугориш усулига ўтказилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Бизнинг мусохаба

ВИЛОЯТ ТАЪЛИМИ: РАҚАМЛАШТИРИШ АМАЛДА



Давлатимиз раҳбари Қ. Тўқаев 2026 йилни “Рақамлаштириш ва сунъий идрок йили” деб эълон қилди. Бу ташаббус мамлакатни рақамли давлатга айлантиришга қаратилган бўлиб, Президент ислохотларини амалга оширишда асосий йўналишни белгилайди.

Президент “Turkistan” гезатасига берган мусохабасида ҳам айнан рақамли тараққиёт масаласига ургу берди. Зеро, бугунги кунда янгиланиш таълим тизимидан бошланади. Рақамлаштириш жараёни мактабларда қандай кечмоқда? Ўқувчи ва ўқувчи бундан нима ютади? Шу саволлар билан вилоят таълим бошқармаси раҳбари Ғалимжан Уриновга мувожаат қилдик.

– Ғалимжан Қалдиқўзлу, жорий йилда рақамлаштириш ҳамда сунъий идрокни ҳаётимизга татбиқ этиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Таълим соҳасида қандай янгилликлар кутилмоқда?

– 2025-2026 ўқув йилида умумтаълим фанларини ўқитиш жараёнида сунъий идрокдан фойдаланиш вазирлик тавсиялари асосида босқичма-

на таҳлил қилиш ва рақамлаштириш” бўлими тузилмасига сунъий идрок хизматлари жорий этилди. Бу таълим сифати ва шаффофлигини ошириб, ўқитувчи меҳнатини енгиллаштиради, ўқувчиларга ҳам янги имкониятлар яратади.

2026 йилда “Өрлеу” малака ошириш миллий маркази “ХЖ филиалларида вилоятимиздан 12850 нафар педагогнинг малакасини ошириш режалаштирилган. Эътиборли жиҳати, малака

Қўшимча таълим билан қамров 472 347 нафарни ташкил этиб, бу ўқувчилар умумий сонининг 90,30 фоизи демакдир. Тўғараклар иқтидорни кашф этаётган майдонга айланмоқда. Бадиий-эстетика йўналишида вилоятда 2966та тўғарак иш олиб бормоқда. Уларда 184 405 нафар ўқувчи иштирок этмоқда. Шунингдек, ихтисослашган қўшимча таълим муассасалари орқали яна 29 199 нафар бола қамралган.

– Келес тумани таълим бўлими тасарруфидаги 7-сонли умумтаълим мактаби 2024-2025 ўқув йилидан бошлаб “CodiPlay” лойиҳасида иштирок этмоқда ва ушбу ташаббус 2025-2026 ўқув йилида ҳам давом эттирилади. Лойиҳа ўйинга асосланган таълим орқали болаларни дастурлашга ўргатишга йўналтирилган. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг таълим жараёнини назорат қилиш мақсадида мактаблар ва ўқув марказлари учун CodiTeach-дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унда ўқитувчиларнинг малакасини оширишга қаратилган онлайн курслар ташкил этиш ҳам кўзланган. Айниқса, IoT курилмаларини йиғиш жараёни ўқувчиларга робототехника асосларини чуқурроқ англаш имкониятини бермоқда. CodiPlay асосида ишлаб чиқилган ўқув дастури эса болаларда мантиқий фикрлаш, тузилмавий тафаккур, хотира ҳамда идрок кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган.

– Демак, ўйинлар орқали таълим янада самарали бўлади.

– Шубҳасиз. Лойиҳа математик фикрлашни шакллантиради, қонуният ва намуналарни англаш қобилиятини оширади. Болалар алгоритмлар, даврий кетма-кетликлар ва шартли амалларни ўйин орқали табиий равишда ўзлаштиришади. Илова доирасида Maker Education ва STEAM тамойилларига асосланган мажмуавий ёндашув йўлга қўйилган.

Бугунги кунда дастурни янада такомиллаштириш, янги лойиҳаларни ишга тушириш учун минтақа эҳтиёжларидан

2025 йил декабрь ойида Астана шаҳрида қишлоқ мактаблари ўртасида ўтказилган республика олимпиадасининг ижтимоий-гуманитар йўналишида вилоятимиз жамоаси “Энг яхши олимпиада жамоаси” номинациясига сазовор бўлди. 2025-2026 ўқув йилида вилоят олимпиадасида иштирок этиш учун 21 516 нафар ўқувчининг рўйхатдан ўтгани ёшларнинг билимга интилиши тобора кучайиб бораётганидан далолат.

келиб чиққан тақлифлар жамланмоқда. Яқин истиқболда аниқ вазифаларни белгилловчи йўл харитасини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Таълим билан бир қаторда, ўқувчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи ҳам доимий эътиборда. 2026 йилда вилоят таълим муассасаларида жами 215 531 нафар бола бир марталик бепул овқатланиш ҳуқуқига эга бўлади. Шундан 60770 нафари ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари бўлса, 154761 нафар ўқувчи бошланғич синфларда таҳсил олмақда. ҚР Соғлиқни сақлаш вазирининг “Соғлиқни сақлаш ва таълим муассасаларида овқатланиш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2020 йил 21 декабрдаги буйруғига ўзгаришлар киритиш ҳақидаги 2025 йил 4 мартдаги 16-сонли буйруғи талабларига мувофиқ, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан махсус таомнома ишлаб чиқилди ва барча таълим муассасаларига йўлланди. 2025-2026 ўқув йилида вилоятда қўшимча таълим йўналишида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Вилоят миқёсида жами 1116та мактаб фаолият юритиб, уларда 556 862 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Шундан 0 синфдаги болалар сони 33 799 нафарни, 1-11-синф ўқувчилари эса 523 063 нафарни ташкил этади.

– Туманлар мисолида қандай натижаларни кўриш мумкин?



босқич йўлга қўйилмоқда. Асосий эътибор мактабларнинг техник базасини мустаҳкамлашга қартилган. Жумладан, компьютер синфлари замонавий талаблар асосида жиҳозланмоқда, синфхоналарга интерфаол лавҳалар ўрнатилмоқда. Мактаблардаги ноутбук, планшет ва бошқа рақамли ускуналарнинг етарлилиги ҳамда ҳолати ўрганилиб, мавжуд камчилик-

ошириш таълим дастурлари қаторига “Рақамли технологиялар ва сунъий идрокдан фойдаланиш” курси киритилган. Янги ўқув йилидан бошлаб мактабларда қалдирғоч лойиҳа сифатида тўртта дастур ишга туширилди. Улар “BilimLand”, “Bilim.app”, “EDUSER” ва “WONK” тизимларидир. Мазкур дастур педагогларнинг рақамли саводхонлигини ошириш, шунингдек, сунъий идрокни ёрдамчи восита сифатида фойдаланиш маданиятини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, ҳар чоракда вилоят таълимни ривожлантириш марказида сунъий идрокни ўқув жараёнига жорий этиш бўйича оралик натижалар танқидий-таҳлилий руҳда кўриб чиқилади. ҚР Маориф вазирлиги ҳамда ҚР Сунъий идрок ва рақамли тараққиёт вазирлиги ҳамкорлигида ўқувчилар учун дастурлаш асосларини ўқитишга қаратилган онлайн-таълим дастури ҳам амалиётга татбиқ этилмоқда. Astana Hub халқаро технопарки базасида ишга туширилган ушбу тизим орқали бугунги кунда вилоятимиз марказидаги 697 нафар ўқувчи дастурлаш асослари бўйича курсларда ўқиш имкониятига эга бўлди.

Яна бир муҳим янгиллик: 2025-2026 ўқув йилида мазкур лойиҳани янада кенгайтириш кўзда тутилган. Ҳозирда умумтаълим муассасалари ўқувчиларни рўйхати шакллантирилиб, қамровни ошириш юзасидан амалий ишлар давом этмоқда.

Таълим билан бир қаторда, ўқувчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи ҳам доимий эътиборда. 2026 йилда вилоят таълим муассасаларида жами 215 531 нафар бола бир марталик бепул овқатланиш ҳуқуқига эга бўлади. Шундан 60770 нафари ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари бўлса, 154761 нафар ўқувчи бошланғич синфларда таҳсил олмақда.

ларни бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар белгиланмоқда. Жараёнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ташкилий ишлар ҳам йўлга қўйилган. Вилоят таълим бошқармасида сунъий идрокни жорий этишга масъул мутахассис тайинланди. Таълимни ривожлантириш марказида эса бу йўналишга раҳбар ўринбосари масъул этиб белгиланди.

Шунингдек, марказ низомига ўзгаришлар киритилиб, “Таълим мазмуни-

Қўшимча таълим билан қамров 472 347 нафарни ташкил этиб, бу ўқувчилар умумий сонининг 90,30 фоизи демакдир. Тўғараклар иқтидорни кашф этаётган майдонга айланмоқда. Бадиий-эстетика йўналишида вилоятда 2966та тўғарак иш олиб бормоқда. Уларда 184 405 нафар ўқувчи иштирок этмоқда. Шунингдек, ихтисослашган қўшимча таълим муассасалари орқали яна 29 199 нафар бола қамралган. Ёшлар ўртасида фикрлаш маданиятини ривожлантиришга хизмат қилаётган дебат, яъни мунозара ҳаракати ҳам кенгаймоқда. Вилоят бўйича 864та клубда 33200 нафар ўқувчи фаол иштирок этмоқда. Ўқувчиларнинг ташаббускорлиги ва етакчилик қобилиятини ошириш мақсадида 838та таълим муассасасида мактаб парламентлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар 77319 нафар ўқувчини бирлаштирган. Спорт йўналиши ҳам доимий эътиборда. Минтақада 6161та спорт тўғараги ва секциялари фаолият юритмоқда. Ушбу секциялар орқали 146 913 нафар ўқувчи мунтазам қатнашмоқда. Келгусида тўғараклар сонини ошириш, қасабаларда янги йўналишларни очиш ҳамда рақамли ва техник тўғараклар фаолиятини кенгайтириш ре-



нидаги 55-сонли “Ғалабининг 50 йиллиги” номли умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Бақдаулет Ақбердининг “Смартфон ёрдамида қувида пишириш” лойиҳаси эътиборга лойикдир. Бундай танловлар қишлоқ ёшлари орасидан келажақдаги олимлар ва илғор фикрли шахсларни эрта аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда. Шунингдек қишлоқ мактаблари ўқувчилари республика миқёсидаги умумтаълим фанлари олимпиадаларида ҳам юксак натижаларни қўлга киритмоқда.

2025 йил декабрь ойида Астана шаҳрида қишлоқ мактаблари ўртасида ўтказилган республика олимпиадасининг ижтимоий-гуманитар йўналишида вилоятимиз жамоаси “Энг яхши олимпиада жамоаси” номинациясига



жалаштирилмоқда. Қўшимча таълим муассасалари фаолиятини тизимлаштириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида “DARTS” рақамли дастури амалиётга жорий этилган. У орқали тўғаракларга қабул онлайн тарзда амалга оширилади, қамров кўрсаткичлари аниқ ҳисобга олинади. Мазкур дастурнинг жорий этилиши қўшимча таълим соҳасида бошқарув самарадорлигини оширади. Вилоятимизнинг чекка ҳудудларидаги болалар республика миқёсидаги илмий лойиҳалар танловларида иштирок этмоқда. Улар замонавий муаммоларга бефарқ эмас, аксинча, ўз юзлари ва изланишлари билан ташаббус кўрсатмоқда. Бу эса ёшларимизнинг зеҳни ўткир, илмга чанқоқ эканлигини намоян эътиди.

– Дастурлардан фойдаланиб, ўз лойиҳаларини тақдим этаётган ёшлар ҳам борми?

– Албатта. Қишлоқ ўқувчилари кўпроқ ўз ҳудудига хос экологик, қишлоқ ҳўжалиги ёки ижтимоий муаммоларни

Ўтрор тумани Кўксарай қишлоғидаги М. Ауезов номидаги мактаб ўқувчиси Улту Қалдибай инелиз тили фанидан энг юқори натижа кўрсатиб, 1-ўринни қўлга киритди. Тулкибош тумани Жаскешу қишлоғидаги С. Сейфуллин номидаги мактаб ўқувчиси Балауса Амангелди информатика фанидан жуда юқори натижа билан 1-ўринни эгаллади. Қазигурт тумани, Қаржан қишлоғидаги “1-Май” умумтаълим мактаби ўқувчиси Айша Мухтарқизи физика фанидан юксак натижа кўрсатиб, 2-ўринга муносиб деб топилди. Ушбу кўрсаткичлари республика миқёсида эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундай юксак натижалар қишлоқ мактабларида йилдан йилга юксалиб бораётгани, иқтидорли республика заковат мусобақаларида юқори натижаларга эришаётгани билан аҳамиятлидир. Таълим сифатига келса, 2025 йилда вилоят бўйича 147та таълим муассасасидан (143та мактаб, 2та коллеж) 5840 нафар ўқувчи Халқаро мактаблар учун PISA-2024 (PBTS) тадқиқотида иштирок этиди ва бу 2022 йилги тадқиқот натижаларидан 34 баллга юқори экани қайд этилди.

ҳал этишга қаратилган лойиҳаларни тақдим этмоқда. Шулардан бири – Ўтрор тумани, Мингшукур қишлоғидаги Р. Бердибай номли умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Ўсербай Рауаннинг “Биомассадан фаоллаштирилган кўмир олиш ва уни сувни тозалашда қўллаш” мавзусидаги лойиҳаси таҳсинга сазовор. Шунингдек, Тулкибош тумани Т. Рискулов номидаги умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Бақитжан Маратулиннинг “Табиий буюк қўшилган крахмал ва сут оқили асосида биопластик ишлаб чиқиш” лойиҳаси ҳамда Жетисай тумани

сазovor бўлди. 2025-2026 ўқув йилида вилоят олимпиадасида иштирок этиш учун 21 516 нафар ўқувчининг рўйхатдан ўтгани ёшларнинг билимга интилиши тобора кучайиб бораётганидан далолат. 2025 йил якунида ўтган вилоят босқичларида 849 нафар ўқувчи иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Уларнинг энг иқтидорлилари республика босқичида ўз билим ва салоҳиятини намоян этди. Қишлоқ ёшлари нафақат гуманитар, балки табиий фанлар ва математика йўналишларида ҳам совринли ўринларни эгалламоқда.

Хусусан, Ўтрор тумани Кўксарай қишлоғидаги М. Ауезов номидаги мактаб ўқувчиси Улту Қалдибай инелиз тили фанидан энг юқори натижа кўрсатиб, 1-ўринни қўлга киритди. Тулкибош тумани Жаскешу қишлоғидаги С. Сейфуллин номидаги мактаб ўқувчиси Балауса Амангелди информатика фанидан жуда юқори натижа билан 1-ўринни эгаллади. Қазигурт тумани, Қаржан қишлоғидаги “1-Май” умумтаълим мактаби ўқувчиси Айша Мухтарқизи физика фанидан юксак натижа кўрсатиб, 2-ўринга муносиб деб топилди. Ушбу кўрсаткичларининг республика миқёсида эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундай юксак натижалар қишлоқ мактабларида йилдан йилга юксалиб бораётгани, иқтидорли республика заковат мусобақаларида юқори натижаларга эришаётгани билан аҳамиятлидир. Таълим сифатига келса, 2025 йилда вилоят бўйича 147та таълим муассасасидан (143та мактаб, 2та коллеж) 5840 нафар ўқувчи Халқаро мактаблар учун PISA-2024 (PBTS) тадқиқотида иштирок этиди ва бу 2022 йилги тадқиқот натижаларидан 34 баллга юқори экани қайд этилди.

Шунингдек, 2025 йилда республика бўйича 9-синф ўқувчиларининг топшириқларни бажариш бўйича ўртача кўрсаткичи 51 фоизни ташкил этди. Вилоятимизда эса бу кўрсаткич 59,94 фоиз бўлиб, республика ўртача даражасидан 8,94 фоизга юқори экани қайд этилди. Бу эса ўқувчиларни тайёрлаш сифати барқарор равишда юксак эканлигини тасдиқлайди.

2025-2026 ўқув йилида вилоятда “Қишлоқ мактаби – сифат майдони” лойиҳасини республика миқёсида сметага татбиқ этиш юзасидан “Йўл харитаси” тасдиқланди. Лойиҳанинг асосий мақсади – шаҳар ва қишлоқ мактаблари ўртасидаги тафовутни бартараф этиш, айниқса қишлоқ ва кичик тўпلامли мактаблар салоҳиятини юксалтиришдан иборат.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

»» Алишер Навоий таваллудига – 585 йил

ТОМЧИДА ҚУЁШ АКС ЭТГАНИ КАБИ

Кентон шаҳридаги Нодиржон Турсунов раҳбарлик қилаётган 17-сонли А. Навоий номли мактаб жамоаси собиқ директорлар Собиржон Бекмуродов, Маъмирхон Мадихонов, Султон Тошпўлатов даврида шаклланган аънамага кўра, Навоий таваллуди байрамини пухта тайёргарлик билан юксак савияда ўтказди.



Тажрибали кутубхоначи Мархабо Дўсметова ташаббуси билан "Жанубий Қозоғистон" газетаси тахлами ташкил этилган. Ўқувчилар истаган пайтида кириб ўқишлари учун. Байрам шарофати билан Кентондаги фаол обуначиларимиз билан учрашиб, мулоқотда бўлди.

Ўқитувчилар – Шахло Абдуқолиқова, Дариға Базарбаева, Шахло Ҳамидова, Мадина Қамбар, Раъно Йўлдошева, Азиза Ҳасанова, Сўғдиёна Тошпўлатовалар кираверишда – мактаб бўсағасида ўзлари тайёрлаган ноз-неъматларни улашиб, савоҳат кўрсатмоқда. Навоийнинг асарлари жамланган кўргазма дид билан тайёрланган. Ўқитувчи Шухрат Исоқов раҳбарлигидаги санъаткорлар "Қора кўзим"ни маромига етказиб, ижро этишди. "Саъбаи сайёр" асаридан сахна кўриниши намойиш қилинди. Мажлислар

Бошқарувчи ўқитувчи Махлиё Айметова таклифи билан мактаб директори Нодиржон Саидқарим ўғли, собиқ раҳбар Султон Тошпўлатов, шаҳар фахрийлар кенгаши раиси ўринбосари Мамиржон Йўлдошев, шаҳар УЭМБ раисаи Санобар Самиева, Қарноқ қишлоғи УЭМБ раиси Бекзод Ҳабибов, "Чоштела" мактаби директори Улғубек Бойметовлар меҳмонларни қутлаб, дил изҳорларини баён этишди. Фахрий ўқитувчи Муродхон Азизов кифтига тўн ёпилиб, нафақа ёши шукронаси билан қутланди. Алишер Навоийни Абай Қунанбаев устозим деб эъзозлагани, ўзларига таълим берган собиқ устозлари – нуроний онахонларга шогирд сифатида эҳтиромларини ҳаяжон ила армуғон этишди. Обунда фаол қорачиқлик Қодир Аҳмедов, Навоий мақбарасини



Хирот шаҳрига бориб зиёрат қилган Мирзахон Адхамов билан ўтган учрашувлар, қўшни Ўзбекистондаги мактаб билан телекўприк ташкил этилганлигини мароқ билан тилга оламиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Кентондаги 17-сонли А. Навоий номли мактабда ўтган тадбирдан лавҳалар.



зали – директор Нодиржон Саидқарим ўғли раҳбарлигидаги устозлар жамоасининг меҳнати. Директор ўринбосари Нодира Абдуллаева, устозлар Нодир Еқубов, Лутфия Аминова, Жалолитдин Жўрашев,

Р.С. Алишер Навоий ижодини ўрганиш, ўқувчиларга, ёшларга ўргатиш, ҳаётда шу фазилатларга амал қилиш барчамиз учун муштарак вазифа. Ҳазратнинг 585 йиллигига аталган тадбирни астойдил меҳнат, эътиқод ила пухта ташкил этган мактаб жамоасига муштарийларимиз номидан миннатдорчилик билдирамыз.

мова ва Малика Жумадуллаевалар Навоийнинг рубоий ва ғазалларини ёддан ифодали ўқиб бердилар.

4- ва 5-синф ўқувчилари тайёрлаган сахна кўринишларида Навоийнинг болалик даври, илмга бўлган эътиқоди ўз ифодасини топди. 7-синф ўқувчилари эса шоир ғазалларига бастанланган қўшиқларни куйлаб, рақслар ижро этдилар.

Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Тўлғаной Маннопова адиб асарларида илгари сурилган инсонпарварлик, меҳр-оқибат, ватанпарварлик каби юксак фазилатлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этди. Навоий буюк шоир бўлиш баробарида ўзбек тили асосини яратган маърифатпарвар дарға эканлиги таъкидланди. Унинг асарларида она тилига бўлган юксак эҳтиром, инсон қадрини улуғлаш, маънавий баркамолликка даъват го-лар бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаганлиги баён қилинди.

НАВОИЙГА МУҲАББАТ БИЛАН

Адабий-маърифий тадбир иштирокчиларда теран таассурот қолдирди, ўқувчилар қалбида Навоийнинг ўлмас меросига бўлган қизиқиш янада ортди. Мактабимиз директори Айнура Тажибай кизи ўқувчиларга маънавийни асраш, ёш авлодни маърифат руҳида тарбиялаш муҳимлигини, улғу аждодларимиз ижодий меросини асрлар оша келажак авлодга етказиш лозимлигини таъкидлаб, фаол ўқитувчи ва ўқувчиларга миннатдорчилигини билдирди.

Тўлғаной МАННОПОВА, 4-сонли умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчиси.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.



2026 йилнинг 9 февраль – буюк Алишер Навоий таваллудига 585 йил тўлиши шодиёнасига бағишланган маданий, маърифий, маънавий тадбир Сўзоқ қишлоғидаги Нурмуҳаммад Болтабоев бошчилик қилган Навоий номли мактабда юксак савияда ўтди.

Тадбирда Сўзоқ тумани УЭМБ раиси Муҳаммадjon Бобоев раҳбарлигида бирлашма фаоллари, "Жанубий Қозоғистон" газетаси обуначилари Аваз Азизов, Аваз Бойменов, Дилбар Бектемирова, Муҳаббат Валжоннова, Шаҳридор Жуманазарова, Зулфизар Тожиевалар фаол иштирок этишди. С. Рустемов,

БАШАРИЯТГА ДАХЛДОР ДАҲО



М. Қувватовалар ўз таассуротларини баён этишди. А. Навоий ижодига аталган китоб кўргазмаси, пазандалик, ўқувчиларнинг миллий чолғу асбоб дасталари, рақслар намойиш қилинди. Мактаб устозлари ва

ўқувчилар саъй-ҳаракатлари билан Навоийнинг "Ҳамса" асари асосида сахна кўриниши намойиш этилиб, ғазалчиларнинг миллий чолғу асбоб дасталари, рақслар намойиш ижросидаги мусиқа ва сер-

жилва рақслар байрамга файз киритди.

Навоийнинг ижодини ўрганиш, унинг асарларида ифодаланган юксак инсоний фазилатларни бугунги ҳаётимизда амалда қўлланганига эришиш ёш авлод олдидаги маънавий бурч ҳисобланади. Ҳар биримиз ва барчамиз учун бу шарофли масъулятидир.

Султонбой РЎЗИМЕТОВ, А. Навоий номли мактаб директори ўринбосари, Мақсуда ФАЙЗУЛЛАЕВА, ўзбек тили ва адабиёти фан бирлашмаси раҳбари.

Тасвирларда: тадбир иштирокчилари.

Зулфизар ТОЖИЕВА тасвирлари.

»» Амир Темурнинг 690 йиллигига

ҲАЁТИ ЁШЛАР УЧУН ИБРАТ МАКТАБИ

Туркистондаги Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси соҳибқирон Амир Темур ҳомийлигида бунёд этилганга 630 йил тўлди. Бу ноёб тарихий ёдгорликни асраб-авайлаб таъмирлаш ишларига раҳбарлик қилган фахрий қурувчи, Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси Жонтемир Алимов табаррук 90 ёш арафасида. Умр йўлдоши Фотима Жунай кизи билан қобил фарзандлар тарбиялаб, невар-эвар, чеваралар кўрган пири бадавлат оила соҳибни. Унинг хонадони доимо меҳмонлар билан гавжум.

Қариндош укаси Дадажон Алимов умр йўлдоши Ҳақима Аюб кизи билан фахрий отахонни кўришга келган экан, бирга суҳбатлашди. Жонтемир хожи ўтган асрнинг 70-йилларида бошдан кечирган воқеалар, давлат ва жамоат арбоби Ўзбекили Жанибековнинг Яссавий мақбараси биносини сақлаб, кейинги авлодга асраб-авайлаб етказиш борасидаги кўрсатган ёрдамларини миннатдорчилик



билан батафсил ҳикоя қилиб берди.

Фаол обуначиларимиз, Саврон тумани ва Кентон шаҳридаги Дилмира Файзиёва, Мансур Акешов раҳбарлик қилаётган Ў. Жанибеков номидаги мактабларда яқин келажакда ўтадиган учрашувларга ташриф буюриб, эсдаликларини ўқувчиларга гапириб бериши ҳақида келишди. Дарҳақиқат, "Оталар сўзи – ақл-

нинг кўзи". Улар жамиятимиз хазинаси. Соғ бўлишин.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: 90 ёш арафасидаги фахрий қурувчи, А. Яссавий мақбарасини муҳофаза қилиш жамоа бирлашмаси раҳбари Ж. Алимов (ундан иккинчи) оила аъзолари даврасида.

Муаллиф суратга олган.

»» Обуначиларимиз орасида

Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллигига бағишлаб Саврон тумани Ясси қишлоғидаги 4-сонли умумтаълим мактабида «Навоийга муҳаббат билан» деб номланган адабий-маърифий тадбир ташкил этилди. Асосий мақсад – буюк мутафаккир, шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг бой адабий меросини тарғиб этиш, ёш авлод қалбида миллий гурур, маънавий қадриятларга ҳурмат ва она тилига садоқат туйғулари мустаҳкамлаш.

Адабий тадбир давомида ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Дилрабо Йўлдошева тайёрлаган Навоий ҳаёти ва ижоди мавзусидаги мазмунли маъруза тингланди.

Бешинчи ва олтинчи синф ўқувчилари Гулбону Алимбекова, Висола Яқубова, Рўза Ибодуллаева, Дилноза Темирбаева, Шаҳзода Муҳамедраи-

мова ва Малика Жумадуллаевалар Навоийнинг рубоий ва ғазалларини ёддан ифодали ўқиб бердилар.

4- ва 5-синф ўқувчилари тайёрлаган сахна кўринишларида Навоийнинг болалик даври, илмга бўлган эътиқоди ўз ифодасини топди. 7-синф ўқувчилари эса шоир ғазалларига бастанланган қўшиқларни куйлаб, рақслар ижро этдилар.

Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Тўлғаной Маннопова адиб асарларида илгари сурилган инсонпарварлик, меҳр-оқибат, ватанпарварлик каби юксак фазилатлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этди. Навоий буюк шоир бўлиш баробарида ўзбек тили асосини яратган маърифатпарвар дарға эканлиги таъкидланди. Унинг асарларида она тилига бўлган юксак эҳтиром, инсон қадрини улуғлаш, маънавий баркамолликка даъват го-лар бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаганлиги баён қилинди.



»»» Тарихга назар

Мен Жанубий Қозоғистоннинг Сайрам қишлоғида туғилиб, мактабни битирдим, шу даврда, яшаган жойим Сайрам қишлоғи, Аҳмад Яссавийнинг онаси Қорасоч она мақбарасига яқин, мактабга пидеа бориш йўлимда эди. Балоғардон (Абдулазиз боб) мақбараси қалъада жойлашган уйимизнинг деразасидан кўриниб турарди. Қишлоғимизда жуда кўп мақбара ва масжидлар мавжуд эди. Тарих фанидан ўқитувчимиз Мирсовур ота ўз дарслари ва дарсликларда Сайрам тарихи, ушбу авлиёлар, масжид мақбаралар тарихи ҳақида маълумотлар бермас эди. Уларнинг дарвоза ва эшикларни доимо кулфли бўлар, ҳатто биз, болалар кечалар ёнидан ўтишга хавфсизлардик. Шундай қилиб, мактабни тамомлаб, Тошкентга ўқишга кетдим. Институтни тамомлаб, Тошкентда қолиб, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларида мутахассисликдан раҳбарлик лавозимларига кўтарилди, 50 йилга яқин Тошкент вилояти ва шаҳрида фаолият юритиб келаман.

Мираҳмад отанинг барча китобларини ва бошқа интернет саҳифаларидан мавжуд рисолаларни тўплаб, ўрганиб чиқдим. Улардан Сайрамдаги тарихга Мираҳмад Мирхолдорнинг китобларидаги манбаларга таяндим, чунки бошқа муаллифларнинг бу каби аниқ, асосли тарихий адабиётларини топмадим. У ўз асарларида аниқ, равшан қилиб, воқеликларни ифода этган, уларни Ўзбекистонда ўрганган адабиётлар билан таққослаганимда, ўхшаш ёки шу воқелик бўйича Мираҳмад Мирхолдор манбаларидан фойдаланганлигини кўрдим. "СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР АВЛИЁЛАР ЮРТИДА" деб номланган китобимни ёзишимга Ўзбекистон ФАнинг вице-президенти, академик устоз, қорамуртлик Иброҳим Искандаров туртки берган эди, У Сайрамда ўқиган ва тарихни яхши биларди. Менга бир учрашувимизда: "Қамолжон, сиз Сайрам тарихи, Амир Темурнинг Сайрамда бўлиши ҳақида ўрганиб, китоб ёзинг ва уни "Соҳибқирон Амир

рида юртимизни ва унинг азиз-авлиёларини эъзозлаб, тилга олиши бежиз эмасдир. Амир Темур доимо мамлакатни, шаҳар ва қишлоқларни обод қилиш, боғ-роғлар яратиш ҳаракатида бўлган. Самарқанд, Шаҳрисабз, Туркистон, Шош ва бошқа жойларда қад ростлаган гўзал иморатлар, меъморчилик обидалари бунинг яққол ифодасидир. Кўксарой, Оқсарой, Бибиҳоним, Гўри Амир меъморчилик обидалари ҳақонга машҳурдир. Аҳмад Яссавий мақбараси, Зангиота мажмуаси, Исмоил ота, Балоғардон бобо мақбаралари 6 аср ўтса ҳам, ҳануз савлат тўкиб турибди. Сайрам 13 марта босқинчилар томонидан талон-тарож қилинган, аёвсиз қириб ташланган ва қайта тикланган. Бу шароитда бирон-бир муҳим тарихий манбалар тўлиқ сақланиб қолиши қийин бўлган. Шунингдек, Мираҳмад Мирхолдорнинг "Сайрам тарихи" рисоласида Сайрамда Бодом ариғи (жануб) томон-

"Азалдан ўзбеклар яшаб келаётган кўҳна Сайрамда кўплаб алломо, валий, фузалолар ўтган. Ҳануз халқимиз уларнинг қабрларини эъзозлаб, номларини қалбида сақлаб келади. Ўша азизларнинг хоки мубораклари қаторида Сайрамнинг жануб тарафида Хожа Аҳмад Яссавийнинг набиралари Сузук отанинг мақбаралари ҳам бор. Бу зот ҳақида Сайрам тарихида шундай битик учрайди: "Бу ерда мақради мутоббарак ҳазрати шайх Мустафоқули Хожанинг турбатлари бор". Рисоланинг гувоҳлик беришича, Сузук отанинг исми шайх Мустафоқули Хожадир. У Хожа Аҳмаднинг қизларидан таркаган набиралари, Сузук отанинг бобоси Хожа Аҳмад Яссавий 1166 йили оламдан ўтган. Набиралари эса боболаридан кейин яна 30-80 йил яшаган бўлиши мумкин. Демак, Сузук ота XII аср бошларида яшаган. Сузук ота Сайрамда ислом ва маърифат қамол топган даврда яшайди. Бу даврда улуг боболар каломидан

(БАА), Қатар (Доха) "Ислом санъати музейи". Индонезия, Малайзия расом вакиллари кўргазмада совға қилинди. Ислом Академияси ва Ислом Тамаддуни Маркази (Мунавваров ва Ф. Абдуҳолиқовга топширилди). "Сузук ота изидан" ва "Хожа Аҳмад Яссавий ва авлодлари" китоблари ва "Сайрам Энциклопедика наشري" ҳам академик дизайнер Носир Ҳамроқулловнинг Аҳмад Яссавий мақбарасидаги Тойқозон ва муҳрининг кичрайтирилган ва катталаштирилган макетлари совға қилинди. Алишер Навоий, Фанлар Академиясининг Фундаментал ҳамда Шарқшунослик институти кутубхоналарига топширилди. Халқаро анжуман иштирокчилари "ТУРКСОЙ" ва "Туркий давлатлар ташкилоти" вакиллари тўхфа этилди. Энг охири нусхаларини Ўзбекистон ФА тарихи ва музейига бериш-

Шимкент ва қадимий Сайрам тарихи



Пенсияга чиққанымдан сўнг, оилам билан Тошкент шаҳри марказидаги "Бешоғоч" даҳасининг "Қамолон дарвозаси"дан кириладиган жойдаги маҳаллада яшадик. Мени маҳалла аҳли янги ташкил этилган "Қамолон дарвозаси" маҳалласига раис этиб сайлади. Биринчи бошлаган ишим, шу маҳалла тарихини ўрганишдан бошладим. Маҳаллада "Қамолон" масжиди ва қабристон бор эди. Қабристон ўртасида Абдулазиз бобнинг мақбараси жойлашган эди. Мақбара тарихини Тошкент энциклопедияларидан қидирсам, бу Тошкентда тарғиб қилган Қафол Шошийнинг аламбардори бўлиб курашган Абдулазиз боб экан. Кейинчалик у Сайрамга бориб, динни тарғиб қилишдаги ҳаракатларда Исҳоқ бобонинг сафиди байроқдори, аламбардори бўлиб, жангаларда 7 жойидан ўқиб, вафот этган экан.

Темур авлиёлар юртида", деб номланган, дея маслаҳат берган эди. Бобомиз Амир Темур ҳаёт йўлини ўқиб-ўргансам, у ўзининг донолиги, адолатпарварлиги билан жаҳонга донг таратган экан. У ҳиммат ва мурувват, саховат ва диёнатдан бошига тож кийган. У бир мамлакатнинг иккинчи устидан ҳукмронлигини ўрнатиш учун эмас, балки жаҳонга адолат ва диёнатдан улуг салтанат барпо этишни мақсад қилган экан. Қора, Эдигей ва Урта Ер денгизларидан то Ҳиндистоннинг шарқигача, Мўғулистон ва Хитойгача, Ҳинд океанидан то Урал тоғларигача, Москва остонасидан Днепр бўйларигача жуда катта ҳудудларни забт этган буюк салтанат эгаси жаҳонгир Амир Темур Ҳазрат Яссавийни ўзининг маънавий пирини деб ҳисоблаган экан. Амир Темур Жанубий Қозоғистон, Шимкент ва Сайрам учун ҳам кўп хизматлар қилган. Бу юртларни умр бўйи эъзозлаб ўтганлар. Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" китобида ёзишича: "1366 йилда Амир Темур Чимкентга келиб, ўз аскарлари билан Қўчқор ота бўлоғи атрофида тўхтаган экан. Мўғуллар зулмидан юртимизни овоз қилганлиги боис ҳам Амир Темур Сайрам аҳолиси учун жуда қимматли экан".

Темур авлиёлар юртида", деб номланган, дея маслаҳат берган эди. Бобомиз Амир Темур ҳаёт йўлини ўқиб-ўргансам, у ўзининг донолиги, адолатпарварлиги билан жаҳонга донг таратган экан. У ҳиммат ва мурувват, саховат ва диёнатдан бошига тож кийган. У бир мамлакатнинг иккинчи устидан ҳукмронлигини ўрнатиш учун эмас, балки жаҳонга адолат ва диёнатдан улуг салтанат барпо этишни мақсад қилган экан. Қора, Эдигей ва Урта Ер денгизларидан то Ҳиндистоннинг шарқигача, Мўғулистон ва Хитойгача, Ҳинд океанидан то Урал тоғларигача, Москва остонасидан Днепр бўйларигача жуда катта ҳудудларни забт этган буюк салтанат эгаси жаҳонгир Амир Темур Ҳазрат Яссавийни ўзининг маънавий пирини деб ҳисоблаган экан. Амир Темур Жанубий Қозоғистон, Шимкент ва Сайрам учун ҳам кўп хизматлар қилган. Бу юртларни умр бўйи эъзозлаб ўтганлар. Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" китобида ёзишича: "1366 йилда Амир Темур Чимкентга келиб, ўз аскарлари билан Қўчқор ота бўлоғи атрофида тўхтаган экан. Мўғуллар зулмидан юртимизни овоз қилганлиги боис ҳам Амир Темур Сайрам аҳолиси учун жуда қимматли экан".

баҳра олиб, шу қутлуғ заминда етишиб чиққан валий, алломалар жуда кўп эди. Шаҳар аҳолиси ҳам саноқсиз эди. Ҳар бир мавзе халқи тирикликда бўлганидай, ўлганида ҳам азизларга яқин бўлиши аъло кўрарди. Шу боис Сузук отанинг мақбараси шаҳардан беш қақирим жануброқда шу мавзе аҳолисининг қилбаи дуоси бўлиб муқим қолганди. Сайрамнинг ичида ҳам Мустафоқули отанинг қабри борлиги, бу қабр Қорасоч момо мақбараси яқинидалиги рисолаларда зикр этилган. Барча изланиш ва тадқиқотларим асосида 2023 йил "Сузук ота изидан" китобим 1000 нусхада нашрдан чиқди. Китоб нашрига оилам, Тошкент ва сайрамлик ҳомийлар маблағ берди. У бепул тарқатилди. Мана ушбу тақдимот ўтказилган жойлар рўйхати:

га қарор қилдим. Янги нашрга талаблар бўлмоқда. Қозоқ дўстларимиз ҳам бемалол фойдаланиши учун китоб ҳозир қозоқ тилига таржима қилинди, уни нашр этиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Китобнинг нусхаси Ўзбекистон Президентига ва элчиҳона орқали Қозоғистон Президентига ва Қозоғистондаги Алматы, Астанадаги институт ва музейларга ҳам тўхфа қилинди. Китоблар шунингдек, "Амир Темур жамғармаси"га ва "Шарқ Юлдузи" журнали тахририятига тақдим этилди. А. Яссавий (Сузук ота)ларнинг ҳаёт аждоди Гулпошша Эргашхўжаевада ҳозирга қадар аждоднинг А. Яссавийга тегишли эканини исботловчи шажара сақланаётгани ва яқинда унинг асосида Туркиядаги Сайид ва эшонлар тузилмаси томонидан тасдиқланган Сертификат ва капсулда 6 метрли шажарасини олгани маълум қилинди. Изланишлар давомида, ота-оналари билан бирга қатағон азоб-уқубатини тортган Сайрам, Туркистонда яшаб, Наманганга кўчиб кетишга мажбур бўлган Сузук отанинг аждоди, 109 ёшли отахон, 7 марта ҳаж сафарига борган – Иброҳим бобонинг (Президентимиз билан ифторликда учрашиб, дуо қилган) саргузаштлари, Сайрам ва Сузук ота ҳақидаги эсланган маълумотлари ҳам жой олди. Намангандаги ушбу авлодга ва Ибрат музейи ҳамда унинг номидаги чет тиллар университетига китоблар тўхфа қилинди. "Сузук ота изидан" китоби доирасида Ўзбекистон ТВнинг "Маҳалла" канали Сайрам ва Туркистонда Сузук ота яшаган даврларга оид Иброҳим ота, "Қорасоч она", "Абдулазиз ота" (Балоғардон бува), "Қози Байзовий", "Юсуф Сайраимий" мақбаралари зиярат қилинди ва "Инсон азиз" видеоларига ҳамда Архив Агентлиги ва А. Навоий кутубхонаси ҳамкорлигида "Оғзаки тарих" видеоларига суратга олинди ва интернетдаги ижтимоий тармоқларга жойлаштирилди. "Жанубий Қозоғистон" газетасида "Сузук ота ҳақида янги китоб" ва "Сузук ота китоби тақдимоти" сарлавҳалари остида мақолалар чоп этилди.

Орадан бир йил ўтгач, Тошкентнинг Чорсу бозори яқинида "Сузук ота мажмуаси" қурилиши бошланган матбуотда эълон қилинди. Мен илгарги шаҳарнинг Оқтепа мавзесида яшаганимда, шу ерга автобусда ишга қатнардим. Тошкентда 50 йилга яқин яшасам-да, шу жойдаги жарлик, чуқур кўприк атрофида Сузук ота масжиди, мақбараси ва маҳалласи борлигини билмаган эдим.

Яна Шимкент, Сайрам ва Урта Осиё давлатлари ўртасида Шимкент иқтисодий ва маданий алоқаларининг тикланиши юртимиз учун улкан имкониятлар яратди. Савдо-сотик янада яхшиланган. Амир Темур ва унинг авлодлари Шимкент ва Сайрам халқини хурмат қилганлар. Туркистонда Хожа Аҳмад Яссавийга аjoyиб мақбара тиклатган. Сайрамда Балоғардон боб (Абдулазиз бобо) мақбарасини қурдирган, кўплаб иншоотлар бунёд эттирган. Соҳибқироннинг бу хизматларини халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Ушбу Хўжа Абдулазиз Аламбардор меъморий ёдгорлиги манбаларда XIX асрга оидлиги шаҳар деворининг "Қамолон" дарвозаси ўрнида сақланиб қолган "Қамолон" қабристониди жойлашгани қайд этилган. Маҳаллий ривоятга кўра, мақбара Қафол Шошийнинг сафдоши, аламбардор (байроқдор) номи билан машҳур бўлган. X асрда Тошкентда ислом динини тарғиб этган Хўжа Абдулазиз Аламбардор шарафига қурилган. Тарихий маълумотларга кўра, Хожа Аламбардор ҳаётининг сўнгги йиллари Сайрамда ўтказган ва ўша ерда вафот этган, Хўжа Аламбардор аслида Сайрамда дафн этилган. (Тошкентдаги Хўжа Аламбардор мақбарасидаги қабр рамзийдир). Ичида, ривоятларга кўра, Аламбардор томонидан келтирилган, "Аллоҳ" ва "Муҳаммад" сўзлари битилган туғ ҳали ҳам сақланган (manba:qadamtoju).

СУЗУК ОТА САЙРАМ ТАРИХИДА

"Яқинда Тошкентдан бир мактуб олдим" деб, ёзади "Турон" академиясининг академиги, Қозоғистон муҳандислик-педагогика университетининг профессори (раҳматли) Мираҳмад Мирхолдор ўғли "Сайрамлик аллома, фузало, бузруғлар" рисоласида "Хат шундай мазмунда эди: "Ассалому алайкум муҳтарам М. Мирхолдор! Ўзбекистонда чиқадиган "Халқ сузи" рўзномасининг 1992 йил 12 май сонидидаги сайрамлик ислом вакиллари ва шунингдек, миллий-маънавий кадрларимизни эъзозлаш борасида жонқурлик билан ёзилган "Аҳмад Яссавий шажараси" номи мақолангизни ўқигач, кўнглимиз гурурга тўлиб, ғоят таъсирландик. Айниқса, "Сузук ота" ҳақидаги маълумотингиз бизнинг диққатимизни жалб этди.

Не бахти, Аллоҳнинг ҳоҳиши билан бизнинг Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманида жойлашган Сузук ота маҳалласида валий инсон Сузук отанинг мақбараси ва Сузук ота жоме масжиди бор. Бирок, биз гувроҳ бандалар шундай валий инсоннинг лоақал туғилган жойи ва йилини билмаймиз. Афсуски, бу борада бизга олий ўқув юрти ҳам ёрдам бера олмадилар. Шу боис маҳалламиз ҳудудидан ўтадиган катта кўчага Сузук отанинг табаррук исмини бермоқчи бўлганимиз учун биз маҳалла аҳли Сиздан Сузук ота ҳақида маълумот беришингизни илтимос қиламиз".

Масжид ва мақбарани қайта қуриш ишлари 2017 йил июнь ойида бошланди ва 2019 йил 10 майда жума намози ўқилиб, қайта очилди. Сузук ота мақбараси Сайрамда ҳам бор эди, лекин Сузук ота ким эканини билмасдим. Изланишни бошладим, сўраб-суриштираман, Хожа Аҳмад Яссавийнинг суюкли набираси Сузук ота (Мустафоқул) ҳазратларининг Тошкент шаҳри маҳаллаларининг бирида қаровсиз қолиб келган мақбараси экан. У Ўзбекистон Давлат раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан йирик мажмуага айлантирилганидан сўнг, кенг жамоатчилик орасида уламонинг номига ва фаолиятига қизиқиш ва эътибор кучайди. Ваҳоланки, Сайрамда ҳам Сузук ота номи билан боғлиқ бошқа қадимжолар борлигини билгач, уларнинг тарихини ўрганиш масаласига янада аниқлик киритиш мақсадида, Мираҳмад акага ва унинг асарларига мурожаат қилдим. Ҳақиқатда бу икки мақбара бир кишига, яъни, Сузук отага тегишли эканини аниқлаб олдим ва Сузук ота ким бўлган ва нима қаромат кўрсатганини ўрганишга киришдим. Аввал Тошкентдаги маҳаллага бориб, кейин Сайрамга, Туркистон шаҳри, Қорачик ва Қарноқ қишлоқларига бориб ўргандим.

Мираҳмад Мирхолдор: "Ҳамюртимизни эъзозлаб, кўча ва масжидини унинг номи билан аталаётгани учун тошкентликларга раҳматлар айтиб, қуйидагиларни ёзиб юборган (биринчи жавоб):

Бирок, биз гувроҳ бандалар шундай валий инсоннинг лоақал туғилган жойи ва йилини билмаймиз. Афсуски, бу борада бизга олий ўқув юрти ҳам ёрдам бера олмадилар. Шу боис маҳалламиз ҳудудидан ўтадиган катта кўчага Сузук отанинг табаррук исмини бермоқчи бўлганимиз учун биз маҳалла аҳли Сиздан Сузук ота ҳақида маълумот беришингизни илтимос қиламиз".

Бирок, биз гувроҳ бандалар шундай валий инсоннинг лоақал туғилган жойи ва йилини билмаймиз. Афсуски, бу борада бизга олий ўқув юрти ҳам ёрдам бера олмадилар. Шу боис маҳалламиз ҳудудидан ўтадиган катта кўчага Сузук отанинг табаррук исмини бермоқчи бўлганимиз учун биз маҳалла аҳли Сиздан Сузук ота ҳақида маълумот беришингизни илтимос қиламиз".

Қозоғистон. Қозоғистон Президентини, элчиҳонасини, Шимкент шаҳридан сайланган сенаторимизга, Астанадаги кутубхоналар. Шимкент. (Сайрам). Этномаданият музейи, маҳаллалар, шаҳар мактаблари кутубхоналари ва масжидлар. Туркистон. "Арслонбоб" мақбараси А. Яссавий мақбараси, Қозоқ-турк университетида (ректор ва талабалари учун кутубхонага); Қорачик, қарноқлик фаоллар ва масжидида учрашува. Тошкент вилояти. Янгийўлнинг "Халқобод", "Рамадон" маҳаллалар аҳолиси. Тошкент шаҳри. "Сузук ота мажмуаси", "Қамолон Дарвозаси", Янгиобод", "Исломобод" маҳаллаларига, "Кўкча" масжиди, Хунармандлар уюшмаси. Туркия. "Эдитепа" Санъат университетида ва А. Яссавийнинг Туркиядаги жамғармаси. Бирлашган Араб Республикаси

Қамолжон ШОДИМЕТОВ,
академик.
Тошкент шаҳри.

»» Бугун – шоҳ ва шоир Бобур таваллуд топган кун

ҲАЗРАТ НАВОИЙГА БУЮК ЭҲТИРОМ



Бобур Мирзонинг нақадар улуғ одоб ва ахлоқ соҳиби экани ҳазрат Алишер Навоийга бўлган муносабатидан ва қисқа вақт Ҳиротда – ҳазрат Навоийнинг уйида турган вақтидаги қилган хизматларидан равшан англашилади.

Масалан, “Бобурнома”нинг Кобул даври воқеаларида – 1509–1510 йиллар воқеаси баёнида куйидаги оламшумул ҳодиса эсланади:

“Боғи Навда бир кеча бўлдум, ани муносиб кўрмай, Алишербекнинг уйларини таъйин қилдилар. Ҳиридин чиққунча Алишербекнинг уйларида эдим” (“Бобурнома”, Тўққиз юз ўн иккинчи (1506–1507) йил воқеалари).

Яна бир иқтибос:
“Одина кун, ойнинг йигирма учда Алишербекнинг тўрт девонидан бухур авзони тартиби била (аруз баҳрлари вазнлари асосида) ғазаллар ва абётким, интихоб қилиладур эди, итмомига етти” (“Бобурнома”, Тўққиз юз ўн бешинчи (1509–1510) йил воқеалари).

Демак, Бобур Мирзо Ҳирот шаҳрида эканида ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳурматларини сақлаш, маънавий ҳақини адо қилиш, ҳурмат ва эҳтиромини жойига қўйиб, у зотга хизмат қилишни ўзига бурч деб билади ва хизмат умиди билан у зотнинг тўрт девонидан баҳрлар вазнига қараб ғазалларни саралаб, бир сайланма девон тузади. Бундай эҳтиром кўрсатиш фикри ҳар кимнинг ҳам ҳаёлига келавермайди. Бу Бобур Мирзодек даҳога хос эҳтиром ва одоб намунасидир.

Мирзо КЕНЖАБЕК.

(«Бобур Мирзо ва маънавият» китобидан)



Адабийёт
сахифаси

»» Газетхон илҳоми

ОНА ЮРТИМ, ҲУР ҚОЗОҒИСТОН!

Буюк юртим, хур Қозоғистон,
Хизмат этсам,
мен-чун шараф-шон,
Турфа миллат яшайди шодон,
Она юртим, хур Қозоғистон!

Юртимнинг кенг далалари бор,
Униб, ўсар болалари бор.
Олиму шайх, боболари бор.
Она юртим, хур Қозоғистон!

Жамбил, Абай – уламолари,
Бунда Темур қадамжолари.
Ватан учун жон фидолари,
Она юртим, хур Қозоғистон!

Бу заминда гўзал ҳар онлар,
Ҳар томонда гулу бўстонлар.
Боғу роғлар, гўзал ўрмонлар,
Она юртим, хур Қозоғистон!

Астанамиз, олқишларга бой,
Алматимиз очмишдир чирой,
Шимқала ҳам чарақлаган ой.
Она юртим, хур Қозоғистон!

Тўлқин ЭШПҲЛАТ.
Сайрам тумани.



БИЗ – ЎЗБЕКЛАР...

Биз ким эдик, ким эдик,
Осмонларга тенг эдик.
Айтишдан эринмайман:
Дарё эдик югурик.

Отадан ҳол сўровчи,
Бўтаси моҳир овчи.
Олими илм йиққан –
Юлдузларни сановчи.

Барча мардлар Туг илган,
Тумарисдан тугилган.
Йиқолмаган Широқни,
Ёв ҳар ёқдан ёгилган.

Бордирмиз савлат ила,
Ботирлик, давлат ила.
Қордек ёққан барака,
Юртимга, элатимга.

Ҳайбати ақл олган,
Душман кўриб-оқ толган.
Баъзан йўл ёпиқ бўлса,
Бор-ўйғи туман бўлган.

Бир дониши – Беруний,
Сино – дардлар табиби.
Тақво аҳли саноксиз –
Аллоҳ бўлган ҳабиби.

Мақтанишми, мақташми,
Ҳақни айта бошлашми?
Бир армоним элимиз,
Билмас ўзни ёқлашми...

Барно ҚАРНОҚЛИ.

ЯККАТУТ – ЖАННАТДЕК ЖОЙ

Яккатутда қиш фасли
Бу жойлар гўзал асли.
Тоғ ён-бағри дарахтлар
Кўл атрофи тераклар.

Бу ерда тоза ҳаво
Уйлардан янгарар наво.
Осмон ўпар уйлар йўқ
Қурилиш, чанг, ғубор йўқ.

Бунда яшар деҳқонлар
Ўз ҳосилин терганлар.
Мева, сабзавот мўлдир,
Дам олиш жой шу кўлдир.

Шаҳардан ёзда ҳамон
Қочар Яккатут томон.
Дам олиш маскани бу,
Кўпчилик орзуси шу.

Дам олинг шундай жойда,
Суе, дарахти мўл жойда,
Яккатут жаннатдек жой,
Борсангиз, роҳатда жон.

Нурхон АЮБ қизи.



НАВОИЙ ҲАЙКАЛИ ЁНИДА

(Одами эрсанг демагил одами, ониким йўқ халқ ғамидин ғами.
Алишер Навоий).

Кўлингиз иякка қўйиб, хижолат турибсизми?
Ҳақсизликдан нола чекиб, ғамларингиз... оҳ, тубсизми?

Асрлардан мазлум йиғлар ҳақсизликнинг балосидан,
Адолат Ҳақ кўлидадир Ўзи чиққай адосидан.

Қалбингизда булут кўпми, кўздан ёшлар тўкилгайми,
“Авомга йўл очмадим”, деб бағир чокдай сўкилгайми.

Сиз қолдирган Шоҳ асарлар чорлар бизни эзгуликка,
Куч берадир ҳар сония оғирларни енуликка.

Раъно МУСАЕВА.
“Чашма” ижодий уюшмаси аъзоси.



МУҲАББАТ – ЖАСОРАТ

Одамлар дейишар “Севги ажойиб!”
Дер “Севгидан гўзал ҳаттоки тошлар!”
Севиб қолгач, лекин, қолшиар койиб,
Уйда идиш-товоқ синдира бошлар.

Севиб қолгач, туйқус англадик, ҳайҳот,
Азиз эмаслигин биз учун ҳеч ҳам.
Соябонни ёмғир шивалаб савар,
Юрак ярасига бошқа ишқ малҳам.

Бу дунёга эмас бундай муҳаббат,
Муҳаббат ҳеч қачон қилмас адолат.
Бева аёл айтар сизга ҳақиқат,
Кўз ёшларин артиб жимгина хилқат.

Патинжонга десанг: “Сени севаман!”
Дарқормас унга ҳеч бундай илтифот.
Муҳаббат ўлимдир унга муқаррар,
Омадсиз нишони – олий муқофот.

Қандай ҳаёт афзал? Истанг, истаманг?
Муҳаббатни танланг, бергум маслаҳат.
Фақат Муҳаббат бор! Унинг ормида
Келганларин бари эрур Жасорат!

Сергей МАРТИНЕНКО.
Русчадан Баҳодир ОТАШ таржимаси.



ЖОНИМ ИЧРА-ЖОН

Ўзбек тил тақдирин
ўйлаб кун-тун, тонг,
Ўзлигин унутди Навоий бобом.
Ўзбекнинг тилига бағишлади жон,
Ўзбекни тан олди жумлаи жаҳон!

Шерият сахнида беназир султон,
Деди: «Ўзбек сўзи-жоним ичра жон.
Уқсин латифлигин, ҳар битта инсон,
Шарт эрса, айлағум жонимни қурбон!»

Эй авлод, унутма, унутма ҳеч он,
Ўз тилинг сен учун эрур шараф-шон.
Шанини топтаса қайсиким нодон,
Бундайин миллатдан қолмағай нишон!

Абдурауф АБДУҒАФФОР.

ҚОР СОҒИНЧИ

Ўлкамизга қиш келди, аммо қордан дарак йўқ,
Ёмғир, шамол бахшлашиб, отди бир-бирига ўқ,
Ечинган дов- дарахтлар қиш кўрпасин излайди,
Шамоллар хуштагидан бор жонвор безиллайди.

Митти қуён инида қорни интиқиб кутди,
Яп-янди дафтар йиртиб Қорбобога хат битди.
Кўнгли қордек мусаффо, оппоқ орзу қилганди,
Қорбобо мўл совға-ла келишини билганди.

Хатни битиб бир зумда йўл олди олмахонга,
Юзига ёмғир уриб, чопди қалин ўрмонга.
Олмахонни тополмай хати бўлди бироз ҳўл,
Қиш қаҳри қирон солиб, элакланди оқ зар мўл.

Сабр қилган қуёввой эзгуликка эришди,
Чексиз хурсанд эдида, маза қилиб керишди.
Яхмалак, чанги учиб, барча дўстлар яйрашди,
Оқ қайинда ҳаққушлар қувончидан сайрашди.

Дилсўз ЭРГЕШОВА,
“Қайнарбулоқ” умумтаълим
мактабининг олий тоифали
ўқитувчиси.

БОР МЕНИНГ

Бир ажойиб сарвенозим, навниҳолим бор менинг,
Қалб мунаввар чеҳрасидан, ифтихорим бор менинг.

Сезгум ёниб кетганим лов, солаверар дилга олов,
Хушсизлатар ёрқин юзи, кўкда ҳилолим бор менинг.

Нечалар қош-кўзин лопи, анданким шамшодин доли,
Ним очилган гулгун ғунча, бахту, баҳорим бор менинг.

Яноғида қўш ҳоллари, эҳ, васлу висол онлари,
Латофат, хиромонлари, офатижоним бор менинг.

Ана ҳусну ҳам жозоба, таъриф этолмам ёзиба,
Хуш зилоли, лабда боли, ширин забоним бор менинг.

Чорлаб сирли оламига, тортеолади ишқ домига,
Муҳаббат ҳар гаштларида, жону жаҳоним бор менинг.

Собир, чунон ҳайрон эрур, инсонми ё пари келур,
Ул аталмиш тахти ишққа, лойиқ султоним бор менинг.

Собир ШОМУРОД,
“Исфижоб” ижодий уюшмаси аъзоси.



Ота-она бўлар иссиқ меҳрли...

Дадажоним жуда яхши кўрардим,
Борида беташвиш, беғам юрардим,
Ортимда бор эди суянган тоғим,
Қийинчиликларга мағрур қарардим.

Дадажоним жуда яхши кўрардим.
Энди-чи, энди йўқ ҳатто сояси.
Суянгим келади, аммо ортим бўш,
Емирилиб бўлган тоғим қояси.

Суянгим келади, аммо ортим бўш,
Фарзандларим учун ўзимман қоя.
Муносиб суянчиқ бўлайин энди,
О, Роббим умр бер, етеунча воя.

Бахтимга бор Онам – ўзгача олам,
Дуолари билан беради қувват.
Сезади дардимни, қалбдаги нолам,
Намозида сўрар ўғлига мадад.

Эҳ, онам дуоиси гўё сеҳрли,
Худди менга очар, Жаннат учун йўл.
Ота-она бўлар иссиқ меҳрли,
Дуога очаркан, омад талаб кўл.

Мануга юмилса, менинг кўзларим...

Мануга юмилса, менинг кўзларим,
Сизларга хотира ушбу сўзларим,
Ортимда қолшиар нури изларим,
Оқил ўғиллар-у, эсли қизларим!

Мануга бир кун кўзим юмилса,
Қуръондан тиловат, дуолар қилинг.
Зеро гуноҳларим шояд ювилса,
Билиб ё билмайин, ғўрликдан билинг.

Мануга юмилса, кун етиб кўзим,
Розиман умримдан, хавотир олманг!
Ёруғ бўлсин дея, маҳшарда юзим,
Ҳақларин тўлашдан ҳеч қачон толманг.

Мануга юмилса, кўз нурим ўчиб,
Бўйимда қолмасин қарз деган ном.
Фақат йиғлай кўрманг, қабримни қучиб,
Эслаб туринг, дўстлар, хотирлаб бир он!

Қуръондан тиловат қилгайсиз, шунда,
Шояд бўлар руҳим жаннат боғида...
Эзгу ишлар ясанг, сиз юриб бунда,
Тинч ётсин жасадим ер қучоғида.

Аллоҳим берган-ку қиёматли дўст,
Ишонаман, хабар олиб туришин.
Кечирар ўртада ўтса кам-у кўст,
Яратган ёвга ҳам инсоф беришин!

Мануга юмилса, менинг кўзларим,
Унутмас опамлар, ака-ю укам.
Оғир ботган бўлса баъзан сўзларим,
Тиланг, раҳм қилсин ул Олий Ҳакам!

Мануга юмилса, менинг кўзларим...

Бахтиёр ШОДМОНОВ.
Қорамурт қишлоғи.

»» Хидоят сари

ҚУРЪОН ОЯТЛАРИ НОЗИЛ БЎЛГАН, ЖАННАТ ЭШИКЛАРИ ОЧИЛАДИГАН ТАБАРРУК ОЙ

РАМАЗОН ОЙИ МУБОРАК, ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Барчангизни яқинлашиб келаётган ойланинг султони, муқаддас Рамазон ойи шодиёна – шукронаси ила муборакбод этаман. Савобли амалларимизни Аллоҳ Таоло қабул этсин. Рамазон – ислом аҳли учун хосиятли, барокати мўл ой. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) рамазон ойи кирганида мусулмонларни “Сенларга рамазон ойи келди, бу баракага тўла ой. Аллоҳ Таоло шу ойда рўзасини фарз қилди, бу ойда жаннат эшиклари очилиб, жаҳаннам эшиклари ёпилади”, – дея муборакбод этган.

Аждодларимиз, ота-боболаримиз рамазон ойи кириши шодиёнаси билан бир-бирларини табриклашган, болалар рўзадор хонадонлар эшигида “Ё Рамазон” кўшигини айтиб, рўзаси қабул бўлишини тиллашган. Бу ой одамларни тўғри йўлга, илм маърифатга, тинчликка чорлаган. Қуръони Каримнинг оятлари нозил бўлган бу хосиятли ойни аҳли мусулмон кадр-хурмат ила орзиқиб қарши олади. Аллоҳ Таолонинг ҳукмига бош эгиб, рўза тутиш, муҳтожларга кўмак кўрсатиш, тоат-ибодат амалларини бажариш, вужуд саломатлиги учун қайғуриш – барчамизнинг вазифамиз. Аллоҳ Таоло Қуръони каримда шундай дейди: – Эй иймон келтирганлар, аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақво қилсангиз.

Шундай экан, рўза тутиш билан одамнинг тақволиги ортади. Тақволикка эришган одам рамазон ойининг барокатидан баҳраманд, яратган эгамнинг мафҳиратида сазовор бўлиб, кўп савоблар олади. Зеро, Пайғамбаримиз (с.а.в.): кимда-ким рўза тутиш савобидан умид қилса, ўтган гуноҳлари кечиради, – деган.

Аллоҳ Таоло: “Бандам рўздан бошқа қандай амал қилса, ўзи учун, рўзани эса мен учун тутайди. Унинг савобини ўзим берман”, – деган. Рўза тутишнинг савоби фонийда ҳам, чин дунёда ҳам мўл. Ҳадисда таъкидланганидек, рўзадор бандалар жаннат эшиги Райюндан қақирлади ва насибаси берилади. Рамазон ойида аҳли мусулмон фарз қилинган беш маҳал намоздан ташқари нафл намозлар ўқишга кунт қилмоғи даркор. Рамазон ойи кечаларини ибодат билан ўтказган афзал. Пайғамбаримиз (с.а.в.): Ким рамазонни иймон билан, савоб учун умид қилиб, ибодат билан ўтказса, гуноҳлари кечиради, – деган. Рамазон ойида хуфтон намозидан кейин таровех, намози ўқилади. Унинг ҳукми тасдиқланган. Суннат ибн Аббос (р.а.) Пайғамбар (с.а.в.) унга рамазон ойида бир ўзи йигирма ракат таровех, яна уч ракат витр намозини ўқирди.

Ибн Аббосдан етган яна бир ривоятда: Ҳазрати Умар (р.а.) рамазон ойида одамларга Абу ибн Када витрни ўқийдиганлигини етказган. Ҳазрати Али замонида рамазон ойида одамлар имомга эргашиб, йигирма ракат ўқирди. Бу намоз халифалар замонида йигирма ракат намозни жамоа билан ўқиши бугунги кунга суннат бўлиб етиб келмоқда. Имом Ал Нахойй: Рамазон ойидаги бир кунлик рўза бошқа минг кундан ортиқ, шу ойдаги ҳар бир зикр ва бир ракат намоз минг зикр ва минг ракат намоздан афзал. Рамазон ойи Қуръони Каримга бевосита алоқадор. Зеро, Қуръон оятлари шу ойда тушганлигидан рўза тутиш ҳам шу ойда фарз этилди. “Бақара” сураси 185-оятда шундай дейлади: Рамазон ойи унда одамларга хидоят ҳамда хидояти фуқрондан ибрат очик-ойдин ҳужжатлар бўлиб, нозил қилинган. Сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, унинг рўзасини тутсин. Ва сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саноғи бошқа кунларда. Аллоҳ сизларга осонликни ирода қилади ва сизларга қийинчиликни ирода қилмайди. Санокни муқаммал қилишингиз ва сизни хидоятга бошлаган Аллоҳни улуғлашингиз учун шоядки шукур қилингиз. Шу савобли рамазон ойи – Қуръон ойи дейлади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) рўза билан Қуръон иккаласи қиёматда банда учун шафоат қилади. Шу кунни рўза Аллоҳ Таолога: “Роббим, мен бу бандангни кундузи еб-ичиш ва шаҳватдан тийдим. Бугун менинг унга шафоат этишимга рухсат бер”, дейди. Ал Қуръон Роббия “мен бу бандангни тунда уйқусидан мосуво қилдим. Бугун менга шафоат қилишимга рухсат бер”, – дейди. Аллоҳ Таоло ҳар иккаласига рўза амалларига итоат этган бандаси учун шафоат этишга рухсат беради. Қуръоннинг ҳар бир ҳарфи савоблар беради. Қуръон – юрагимизга нур, дунёмизга барака, охиратимизга шафоат қилади. Бу ойда кўп дуо қилишимиз керак. Аллоҳ Таоло уларни қабул қилади. “Бақара сураси” 186-оятда шундай дейилган: “Қачон бандалари сендан мен ҳақимда сўрасалар бас, албатта, мен яқиндирман. Дуо қилувчи менга дуо қилганда дуосини ижобат қилурман. Бас, менга ижобат қилсинлар ва менга иймон келтирсинлар. Шоядки, тўғри йўлни топсалар”, – деган. Рўзадор банда оғиз очаётганида қилинган дуо қабул бўлади. Шунинг учун кўпроқ дуода бўлиш керак. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳақиқатдан рўзадор оғзини очаётганида қилган дуоси ортага қайтарилмайди, деган. Шу ҳадисни етказган Абдулла ибн Амир оғзини очаётганида оила аъзоларини ёнига



қақириб, Аллоҳдан тилак тилаб, дуо қилар экан. Бизлар ҳам шу ойда оиламиз билан йиғилиб, кўп дуода бўлиб, ўзимиз учун, халқимиз учун, ватанимиз учун тилак тилаб, Аллоҳдан сўраб, дуо қилишимиз даркор.

Рамазон Аллоҳ Таолонинг хидояти тушган ой. Бу ойда тушган Қуръони Карим одамларга хидоят билан тушган. Бу ҳақда “Юнус” сурасида (57-оят).

– “Эй одамлар, сизга Роббингиздан мўъжиза, кўксиларидаги нарсанга шифо, мўминларига хидоят ва раҳмат келади, деб айтилган. Аллоҳ Таолонинг хидояти тушадиган хосиятли ойда одамлар бир-бирига меҳрли бўлмоғи лозим. Зеро, ҳадисда: одамларга меҳр танитмаганларга Аллоҳ Таоло меҳр кўрсатмайди”, – дейилган (Имом Бухорий, Муслим ривояти).

Рамазон ойида одамларга меҳрибонлик кўрсатиш деганимиз: ўзаро муносабатда яхши хулқли бўлиш, ҳатоликларни кечира билиш, муҳтожларга ёрдамлашиш, садақа улашиш, рўздорларга ифторлик бериш каби савоби мўл амалларни бажариш керак. Пайғамбаримиз (с.а.в.): кимда-ким рўзадор бўлса, ёмон гап гапирмасин, жанжал қилмасин. Агар биров унинг жаҳлини чиқариб, асабини бузса, “Мен рўзадорман” деб айтсин, – деган.

Хурматли ҳамюртлар, 35 ёшдаги “Жанубий Қозоғистон” нашрининг қадрли муштарийлари! Савоби мўл рамазон ойининг ҳар бир кунни, соати ва дақиқасидан самарали фойдаланиб, Яратган Эгамга кулчилик қилиш, эзгу амалларга эътиқод этишга кунт қилайлик. Рамазон – йилга бир марта келадиган меҳмон. Агар биз унга ҳурмат-эҳтиром кўрсат олсак, ризқ-баракамиз мўл, қиёмат кунни ҳурматли яхшилар қаторида бўлишимизга замин яратилади.

Аллоҳ Таоло эл-юртимизни ёмонликлардан сақлаб, яхшилик ошно этишини, рўзадан рўзага, йилдан-йилга соғ-саломат, саодат, ҳаловат ила етишимизни насиб этсин.

**Жумадулла АБЕНОВ,
Саврон туманининг
фахрий фуқароси.**

»» Афғон уруши гувоҳлари

Туркистон шаҳридан Совет Армияси сафига ҳарбий хизматга қақирлиб, Афғонистон диёридаги урушда иштирок этган, жангда ярадор бўлган қаҳрамон ҳамюртларимизнинг бири Мадихон Бобохон ўғли Жалиловдир.

У 1961 йилнинг 19 январида фахрий темирйўлчи Бобохон Жалил ўғли ва Хотира ая хонадонидан кенжа фарзанд бўлиб дунёга келди. 1979 йили 9 май кунини Туркистон ҳарбий комиссариати бошлиғи майор Райимбеков имзолаган қақирув қозғоши бўйича Совет Армияси сафига хизматга сафарбар этилди. Тайёрлов машқларидан сўнг Афғонистоннинг Шиндант шаҳрига қуролдош дўстлари билан жўнатилиб, ракетачилар қисмида топогеодезист вазифасини бажарди. Тунги кузатув навбатчилигига чиққан кечаларнинг бирида душман тузоғига дуч келиб, ўртада қаттиқ жанг бошланади. Мадихон Бобохон ўғли шу жангда бошидан жароҳатланиб, ҳарбий госпиталга жўнатилади. Саломатлиги тиклангач, яна ҳарбий хизматини давом эттиради. Афғонистондаги қуролдош дўстлари билан бошидан кечирган воқеалар, жангу жадаллар тафсилотлари кўплаб хотира китобларида ўз ифодасини топган. Унинг кўксини Аф-

АФҒОН УРУШИНИ КЎРГАН ҲАМЮРТИМИЗ



ғонистондаги мардликлари учун СССР ва Афғонистон давлатлари томонидан таъсис этилган кўплаб ҳарбий медаллар беэаб турибди. Шаҳар марказидаги Ғалаба истироҳат боғида 9 май кунини кўп марта байрамларда бирга иштирок этганимиз ёдимда. Урушдан сўнг Мадихон Бобохон ўғли шаҳардаги “Прес-савтомат” корхонасида меҳнат қилди.

Умр йўлдоши Зиннат Ўктам қизи билан Мадина, Фарҳод, Шукур, Жаҳонгир, Мунира исмли қобил фарзандлар тарбиялаб, неваралар кўрган пири бадав-

лат оила соҳиби эди. 2022 йили июнь ойида Мадихон Бобохон ўғли фонийдан чин дунёга рихлат қилди. (Аллоҳ ўз раҳматида олсин). Ҳаёт бўлганида, 2026 йил январда таваллудининг 65 йиллигини фарзандлари, қариндошлари, қадрдон кудалари ва қуролдош дўстлари даврасида нишонлаган бўлар эди. Мадихон Жалиловнинг кенжа ўғли Жаҳонгир Саврон туманидаги Дилмира Файзиёва раҳбарлик қилаётган У. Жанибеков номли умумтаълим мактабининг пешқадам математика фани ўқитувчиси.

“Жанубий Қозоғистон” газетасининг фаол конюяри. Ушбу мақолага Жаҳонгир Мадихон ўғли оила архивидан тақдим этган эсдалик суратини – собиқ жангчи М. Жалилов невараси Мубина Шукурулло қизи билан тушган суратни лозим кўрдик. Мубина бобосининг исми бўйича Мадихонова фамилиясини олган. Аждодлар хотираси авлодлар ҳаёти ва қалбига барҳаёт.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Афғон уруши фахрийси Мадихон Бобохон ўғли невараси Мубина Шукурулло қизи билан.

РЎЗАНОМА

2026 ЙИЛГИ РЎЗА
ТАҚВИМИ
(Туркистон вақти билан).

Рамазон ойининг кунлари	Февраль, март ойлари	Ҳафта кунлари	Саҳарлик вақти	Ифторлик вақти
1	19 февраль	Пайшанба	06:01	18:06
2	20 февраль	Жума	05:59	18:07
3	21 февраль	Шанба	05:58	18:08
4	22 февраль	Якшанба	05:56	18:10
5	23 февраль	Душанба	05:55	18:11
6	24 февраль	Сешанба	05:53	18:12
7	25 февраль	Чоршанба	05:52	18:13
8	26 февраль	Пайшанба	05:50	18:15
9	27 февраль	Жума	05:49	18:16
10	28 февраль	Шанба	05:47	18:17
11	1 март	Якшанба	05:46	18:19
12	2 март	Душанба	05:44	18:20
13	3 март	Сешанба	05:42	18:21
14	4 март	Чоршанба	05:41	18:22
15	5 март	Пайшанба	05:39	18:24
16	6 март	Жума	05:37	18:25
17	7 март	Шанба	05:36	18:26
18	8 март	Якшанба	05:34	18:27
19	9 март	Душанба	05:32	18:29
20	10 март	Сешанба	05:30	18:30
21	11 март	Чоршанба	05:29	18:31
22	12 март	Пайшанба	05:27	18:32
23	13 март	Жума	05:25	18:33
24	14 март	Шанба	05:23	18:35
25	15 март	Якшанба	05:21	18:36
26	16 март	Душанба	05:20	18:37
Муқаддас Лайлатул-Қадр кечасида Қуръони Каримнинг илк оятлари нозил қилинган. Дуо, тилаклар қабул бўладиган тун.				
27	17 март	Сешанба	05:18	18:38
28	18 март	Чоршанба	05:16	18:39
29	19 март	Пайшанба	05:14	18:41

САҲАРЛИК (ОФИЗ ЁПИШ) ДУОСИ:

Навайту ан асума совма шаҳри рамазона минал фаҳри ила мағриби, холисан лиллаҳи таъала. Аллоҳу акбар!

Маъноси: Рамазон ойининг рўзасини субҳдан то кун болгунча тутмоқни ният қилдим. Холисан Аллоҳ учун. Аллоҳ буюқдир.

ИФТОРЛИК (ОФИЗ ОЧИШ) ДУОСИ:

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва аълайка таваккалту ва аъла ризқиқа афтарту, фағфирли йа гоффару ма қоддату ва ма аххорту.

Маъноси: Эй Аллоҳ, ушбу Рўзамни Сен учун тутдим ва Сенга иймон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларни афв қилувчи Зот, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгин.

20 март – Рамазон ҳайити.

Фитр садақаси 735 тенге этиб белгиланди.

muftyat.kz

ЧЕМПИОНЛАР ТАРБИЯЛАГАН МУРАББИЙ

Ленгер шаҳридаги “Нуржансери” спорт клубида спорт соҳасида фидокорона меҳнат қилган фахрий мураббий Жанпейс Жабаев совринига бағишланди.

Жанпейс Жабаев Қозоғистонда хизмат кўрсатган мураббий сифатида Ленгер шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қирқ йил раҳбарлик қилиб, минглаб ёш спортчиларнинг тарбиясида фаол иштирок этди. Бугунги кунда у шаҳар фахрийлар кенгаши аъзоси сифатида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, спортнинг аҳамиятини кенг тарғиб этишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Спорт мактаби ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилиб, туман спортчиларининг халқа-



ро мусобақалар, олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионатларидаги юксак натижаларга эришишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мураббийнинг ташаббуси билан аъъанавий равишда ўтказиладиган “Онам, отам ва мен – спортчилар оиласи” мусобақаси ҳам аҳоли, айниқ-

са оилаларни спортга жалб қилишда муҳим восита сифатида эътироф этилмоқда. Ленгер шаҳар спорт мактаби халқаро майдонда ҳам юртимиз шарафини юксалтириб келмоқда. Франция, Германия, Австрия, Исроил, Малайзия ва Таиланд каби давлатларда ташкил этилган

мусобақалар ёш спортчиларга турли давлатлар маданияти ва урф-одатлари билан таъриф имконини ҳам берди. “Нуржансери” спорт клубидаги ушбу тадбир ёшларга илҳом бахш этди.

Отабай РАҲИМҒОЗИЕВ.

Турбат заминда Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси фаоллари янгиланаётган Бош Қомусимиз – Конституция муҳокамаида иштирок этди. Шунингдек, тадбирда бирлашманинг бир йиллик фаолияти ҳам сарҳисоб қилинди.



раиси муовини, муҳаррир Р. Алибоев бирлашма томонидан 2025 йили амалга оширилган ишларга тўхталиб, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашда амалга оширилаётган ишларга урғу берди. Шунингдек, йиғилиш мобайнида ташкилий масалалар ҳам кўрилиб, бирлашма Кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш, туман ва шаҳар ўЗЭБ ҳужжатларини расмийлаштириш жараёни муҳокама қилиниб, 2026 йил иш дастури тасдиқланди.

Йиғилишда сўзга чиққан Е. Баев В Миллий Курултойда белгиланган вазифаларнинг ижроси ва юртимизда конституциявий ислохотларнинг аҳамиятига тўхтади. Мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик тамойилларини



ҲАМЖИҲАТЛИК – ЮТУҚЛАР ҚАНОТИ



Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасининг 2025 йили баъжариш ишларининг ҳисоботи

Учрашувда Туркистон “Жамоат тотувлиги” ДКК раҳбари муовини Ерназар Баев, Қозоғистон ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти раиси Абдулла Исмаилов, Туркистон вилоят ўЗЭБ раиси Баҳодир Ирисметов, “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси бош муҳаррири Райимжон Алибоев, шаҳар ва туманлар ЭМБ раислари, оқсоқоллар ва оналар кенгашлари раислари, бирлашма фаоллари иштирок этдилар.

Тадбирни бирлашма қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси, жамоат арбоби Зуппархон Чолдонов олиб борди. Кун тартибиде беш масала муҳокама қилинди. Дастлаб янги Конституциямиз лойиҳасига оид маъруза тингланиб, унинг давлатимиз тараққиёти, ҳуқуқий давлат барпо этиш учун аҳамиятли эканлиги таъкидланди. Бирлашма

мустаҳкамлашда Ассамблея таркибий бўлинмаларининг хизмати беқийслигини таъкидлади. Абдулла Жаъфар ўғли ва Баҳодир Ирисметовлар ҳам сўзга чиқиб, “Бебаҳо бойлик – тинчлик ва тотувлик” шиори остида амалга оширилаётган ишлар борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосарлари Замир Муҳаммадҷонов ва Баҳтиёр Шомурадов, Сайрам, Тўлебий, Қазигурт туманлари ҳамда Кентов шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмалари раислари Шопўлат Бойменов, Жамол Қодиров, Жавлон Собитов, Санобар Самиева, вилоят ўЗЭБ қошидаги Оналар кенгаши раисаси Муҳаббат Иброҳимова, Сайрам тумани



бўйича Оналар кенгаши раисаси Зумрад Аҳмедовалар кун тартибиде кўрилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир интихосида бир гуруҳ фаоллар Қозоғистон халқи Ассамблеяси раиси муовини М. Азилханов ва вилоят “Жамоат тотувлиги” ДКК раҳбари Э. Жанғазиеванинг ташаккурномалари билан тақдирландилар. Йиғилишнинг бадий қисмида хушовоз хонанда Зарифжон Қодиров ва Ўзбекистон Халқ бахшиси Ферузбек Норматовлар дилтортар кўшиқларини тадбир иштирокчиларига армуғон этдилар.

Тадбир ниҳояси буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг 585 йиллигига бағишланган газалхонлик кечасига уланди.

Саид ТУРСУНМатов.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

»» Обуначиларимиз орасида

ДАВРАЛАРГА ФАЙЗ КИРИТУВЧИ ФАХРИЙ САНЪАТКОР

Қарноқ қишлоғида туғилиб вояга етган, халқимизнинг сурнай санъатини мукамал эгаллаб, нафақат қадрдон қишлоғи, балки Сўзоқ, Саврон тумани қишлоқларида, мамлакатимиз пойтахти Астана, Қўстанай, Шимкент, Қизилўрда, Туркистон шаҳарлари, қўшни Ўзбекистоннинг Самарқандида Қозоғистон халқи Ассамблеяси фаолияти доирасида санъатини холис намойиш этиб, улкан савобга дохил бўлган Файзулла Мирзахмедовни вилоятимизда яхши билишади ва қадрлашади.

Ўтган йили ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти маъмуриятдан кўп йиллик хизматлари инobatга олиниб, “Қозоғистонда хизмат кўрсатган сурнайчи” унвони билан тақдирланди. Вилоят оқсоқоллар кенгаши хайъати аъзолигига фаол обуначимиз, ушбу ташкилот раҳбари ўринбосари Тойир Абдувалиев таклифи билан қабулланди. Райимжон Кўчқоров бошчилигидаги вилоят “Ҳўлес” хайрия жамоаси номидан “ҚХАга 30 йил” юбилей медали билан тақдирланди.

Қадрдон қишлоғидаги мактаблар кутубхоналарига турли тилдаги бир неча юз адабий, илмий, маърифий китоблар тухфа этган, хонадонида мусиқа асбоблари музейини ташкил этган, вилоят марказида “Дўст-



лик” уйи очилганида уйдаги музейдан мусиқа асбобларини тақдим этган, “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасига ҳар

бир мактаб кутубхонаси орқали ёрдам кўрсатиб, муносиб ҳисса қўшаётган Файзулла Мирзахмедовни 15 февраль таваллуд



куни билан самимий муборакбод этамиз. Муштарийларимиз, хусусан, “Оталар чойхонаси” анжумани иштирокчилари номидан мустаҳкам саломатлик, фарзандлари, невара, эваралари камолини умр йўлдоши билан бирга кўриш саодатини тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Қарноқдаги “Оталар чойхонаси” анжуманида Ф. Мирзахмедов вилоят оқсоқоллар кенгаши аъзолигига қабулланди; давраларга файз бахшида этади сурнай навоси.

Муаллиф суратга олган.



Шоҳбайт

Чун синса кўнгул захми
забон оғриғидин,
Кам эрмас анинг оғриғи
жон оғриғидин.

Алишер НАВОЙИ.

(Маъноси: тил захмининг оғриғидан кўнгул синишининг оғриғи кам эмас).

НАВОЙИНИНГ 10 ҲИҚМАТИ

- Кишининг одоби унинг бойлигидан яхшидир.
- Охират савоби дунё роҳатидан яхшидир.
- Кўп тоатдан – оз маърифат яхши, ақлли душман аҳмоқ дўстдан яхшироқдир.
- Ёмон дўст – шайтондир.
- Тил сукути – инсон саломатлиги.
- Сени ёмонликка бошлаган киши душманингдир.
- Кимки, кўнгулни қаттиқ сўз билан жароҳатлар экан, унга аччиқ тил заҳарли найзадек санчилади.
- Мулоим сўз – ваҳшийларни улфатга айлантиради; сехрғар – оҳанг билан афсун ўқиб, илонни ундан чиқаради.
- Кўп, бемаза сўзлайдиган эзма – кечалари тонг отгунча тинмай ҳурадиган итга ўхшайди. Тили ёмон одам – халқ кўнглини жароҳатлайди, ўз бошига ҳам офат етказилади.



ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ МАҚОЛЛАРИ

- Тез оқар дарё денгизга ча боролмайди.
- Душман оёққа қарайди, дўст – кўзга.
- Ўрмондан узоқ дарахт ўрмон томонга эғилади.
- Яхши сўз пўлатни кесади.
- Буқадек ўсибди-ю, бузоқдек ақли йўқ.
- Ҳамма мўйловдор ҳам эркам эмас; мўйлов мушукда ҳам бор, соқол тақада ҳам бор.
- Онасини кўриб қизини ол, бияни кўриб – тойчоқни.

ЛАК МАҚОЛЛАРИ.



«Ким ўқишдан (илм олишдан) тўхтача қарийди, хоҳ у 20 ёки 80 ёш бўлсин, ким мунтазам ўқишни (илм олишни) давом эттирсин, ёш-навақирон бўлиб қолаверади. Ҳаётда энг асосийи – мияни ёш-навақирон ҳолатда сақлашдир.

Генри ФОРД,
«Форд Моторс»
компанияси асосчиси.



Энг катта қилган хатоим – умримнинг тўртдан уч қисмини “эртани уйлаб” ўтказганим бўлган!

Шамларни ёқинг, табассум қилинг. Энг чиройли ликопчаларда таомланг. Фойдаланмайдиган буюмлар йиғманг. Чиройли, ярашқили кийинг. Ҳеч қачон қандайдир муҳим дақиқаларни кутманг. Ҳаёт — бир лаҳзада тугайдиган нарса. Бугунгида яшанг — қойилмақом, чиройли ва тантанавор...

Алиса ФРЕЙНДЛИХ.



Умримнинг ярми кейинги ярмини кутиш билан, кейинги ярми эса аввалги ярмини соғиниш билан ўтди...

Нажиб ФОЗИЛ.



Хотира шундай туйғуки, сукут билан ҳам кўзингни ёшлатади...

Стефан СВЕЙГ.

Чиройли муқова ёмон китобнинг жонига оро қиролмайди.

Расул ҲАМЗАТОВ.

»» Табобат

ОШҚОЗОН-ИЧАК ТИЗИМИНИ ТОЗАЛОВЧИ ШАРБАТ

Зарур маҳсулотлар:
• Ярим пиёла қатиқ ёки кефир.
• Чой қошиқда ярим қошиқданам камроқ туз.
• Майдаланган 2-3 ош қошиқ укроп.
• 200-300 мл газли минерал сув.



Тайёрлаш: шу тартибда ҳамма маҳсулот идишга солинади, ҳосил бўлган шарбатга ярим пиёла қайнаган сувда эритилган ярим чой қошиқ сариеғ солиниб, яхшилаб аралаштирилади, 10 минут тиндириб кейин оч қоринга 5-6 кун истеъмол қилинади.



ҲАДДАН ЗИЁД КАЛОРИЯГА ЭГА МАҲСУЛОТЛАР ЛОТАЛИГИ: (100 граммда)

1. Тозаланган пахта мойи – 899 ккал.
2. Эритилган сариеғ, кўй ёғи, мол ёғи, илик ёғи – 887 ккал.
3. Маргарин – 746 ккал.
4. Майонез – 627 ккал.
5. Ёнғоқ мағзи – 631 ккал.
6. Бодом мағзи – 606 ккал.
7. Кунгабоқар пистаси – 578 ккал.
8. Ер ёнғоқ – 548 ккал.
9. Тухум порошоғи – 542 ккал.
10. Шоколад – 540 ккал.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БУРОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шамира МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22
Қазигурт – Хуршид КўЧҚОРОВ. +7701-447-37-42
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкитбош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги фотолар ҳамда далилларнинг тўричилиги учун муаллифлар, рақам ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34ҲРҲ00022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR-Print” МЧБ бошқарувида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашир кўрсаткичи – 65466.

Бўғиммас 320.

Адади – 10650 нуска.

Навбатчи муҳаррир: Наргиз МАВ.ЮНОВА.